

Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам — бу илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
5-fevral
chorshanba
№ 5 (1432)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan

www.uzhurriyat.uz



gazhurriyat@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЛАЙЗИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар
Иброҳимнинг тақдирига биноан 4 февраль куни
расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Куала-Лумпур халқаро аэропортида давлатимиз раҳ-
барини Малайзия парламенти Вакиллар палатаси спи-
кери Жоҳари бин Абдул, таълим вазири Замбри Абдул-
қодир ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон етакчисининг ташрифи шарафига фах-
рий қоровул саф тортди, икки мамлакат давлат байроқ-
лари кўтарилди.

Президентимиз аэропортда Малайзия парламенти
спикери билан учрашув ўтказди. Бўлажак олий дара-
жадаги учрашувлар кун тартиби юзасидан фикр алма-
шилди. Парламентлар доирасида фаол ҳамкорлик ва

алмашинувларни давом эттириш, ўзаро ташрифлар ва
дўстлик гуруҳлари тadbирларини ташкил этиш, қонун
ижодкорлиги масалаларида амалий ҳамкорликни йўлга
қўйиш, муҳим инвестициявий, инфратузилмавий, ижти-
моий ва маданий-гуманитар дастурларни амалга оши-
ришга қўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қа-
ратилди.

Ташриф дастурининг асосий тadbирлари 5 февраль
куни бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош ва-
зири олий даражада музокаралар ўтказди ҳамда
Ўзбекистон — Малайзия бизнес форумида ишти-
рок этади. Саммит якунида қатор ҳукуматлараро ва
идоралараро ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутил-
ган.

ЎзА.



НИГОҲ ВА ИҚТИДОР

ЖОЗИБАСИ

Рустам ШАРИПОВ,
“Ўзбекистон матбуоти” журнали фотомухбири:
“Сураткаш муҳбирда уч хислат яққол намоён
булиши керак. Бу — шоирлик табиати, рассом
нигоҳи ва журналист иқтидори. Ана шунда олган
таъсирларингиз жозибали бўлади”.

4-6



РАЙЁНАНИНГ
ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

8-6

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

МУҲАНДИСЛИК СОҲАСИ ИСТИҚБОЛИГА МУҲИМ ҚАДАМ ТАШЛАНМОҚДА

Дунё давлатлари шиддат билан ривожланиётган бугунги
кунда инсонларнинг фаровон ҳаёти, юртимиз иқтисодийётининг
янада тараққий топиши, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг
порлоқ келажаги учун муҳим қадамлар ташлаш, масъулият
билан қараш — давр талабидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев
таъкидлаганларидек, “Иқтисодийётимизни жадал
ривожлантириш учун бизга юқори малакали
муҳандис-технологлар сув билан ҳаводек зарур”.

Бу йўналишда Президентимиз жорий йилнинг 24 январь
куни мамлакатимизда таълим,
илм-фан, саноат, техника ва
технология соҳаларида кадрлар
тайёрлашда муҳим бўлган “Ну-
кус давлат техника университети-
тини ташкил этиш тўғрисида”ги
тарихий қарорини қабул қилди.

Бу қарор Навоий давлат кон-
чили ва технологиялар универ-
ситети ҳузуридаги Нукус кон-
чили институтини Тошкент
ахборот технологиялари универ-
ситети Нукус филиали негизида
янги университетнинг ташкил
этилишига ҳуқуқий асос бўлди.

Бундан қўзланган асосий
мақсад — муҳандислик соҳа-
ларида юқори малакали кадрлар
тайёрлаш, таълим, илм-фан ва
ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро
интеграцияни йўлга қўйиш, ўқи-
тиш усул ва шакллариини та-
комиллаштириш, таълим жа-
раёнига инновацион техноло-
гияларни жорий этиш орқали
таълим сифатини ҳамда илмий-
тадқиқот ишлари самарадорли-
гини оширишдир.

Университетга саноат, техни-
ка-технология, муҳандислик со-
ҳалари учун мутахассислар ва
илмий-педагогик кадрлар тайёр-

лаш, таълим жараёнига юқори
300 талик рўйхатга кирган хо-
рижий олий таълим ташкилот-
лари тажрибаси асосида таъ-
лим дастурларини ишлаб чиқиш
ва жорий этиш, ҳудуд учун ис-
тиқболли бўлган кадрлар тайёр-
лаш, замонавий ўқув, илмий ва
АТ лабораториялари базасини
яратиб, амалий ва фундамен-
тал илмий-тадқиқот ишлари ва
инновацион лойиҳалар сама-
радорлигини ошириш, таълим,
илм-фан, ишлаб чиқариш ўрта-
сида интеграцияни кучайтириш
каби қатор вазифалар белгилаб
берилмоқда.

Яна бир муҳим томони шун-
даки, университетда илгор му-
ҳандислик мактаби фаолиятини
ташкил этиш масаласи ҳам ўрин
олди. Унда таълим олиш учун
академик кўрсаткичлари юқори
бўлган талабалар танлов асо-
сида сараланган ва амалиётга
йўналтирилган махсус таълим
дастурлари асосида ўқитилади,
замонавий лабораториялар
ташкил этилади, муаммолар
портфели асосида илмий-тад-
қиқот ва тажриба-конструктор-
лик ишлари олиб борилади.

Ҳозирда Навоий давлат кон-
чили ва технологиялар универ-



ситети ҳузуридаги Нукус кон-
чили институтини Тошкент
ахборот технологиялари уни-
верситети Нукус филиалида
таҳсил олаётган барча талаба-
лар ўқишини Нукус давлат тех-
ника университетидан давом эт-
тиради ва битирувчи курс тала-
баларига университет дипломи
берилади.


Давлатимиз раҳбари томо-
нидан қабул қилинган мазкур
қарор нафақат Қорақалпоғис-
тоннинг, балки Янги Ўзбекисто-
нимизнинг иқтисодий-ижтимоий
ривожланишини таъминлашда,
салоҳиятини янада оширишда
муҳим ўрин эгаллайди.

Биз ишонамизки, ташкил
этилаётган илм-фан ва таъ-
лим-тарбия даргоҳида таҳсил
олган ёшларимиз юртимизнинг
муносиб фарзандлари бўлиб
етишади ҳамда ўзларининг му-
ваффақият ва ютуқлари билан
мамлакатимиз тараққиётига ўз-
ларининг ҳиссаларини қўшади.

Атабек КАШПЕРГЕНОВ,
Навоий давлат кончили ва
технологиялар университети
ҳузуридаги Нукус кончили
институтини директори,
техника фанлари доктори,
профессор.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ДИҚҚАТИГА!

БИЗ ҚАЙСИ МАМЛАКАТДАМИЗ?



Пойтахтимиз
кўчаларидаги ажнабий
тилдаги ёзувлар ҳақида

ТАҲРИРИЯТДАН:

Очиги, бу ҳақда жуда кўп ёзилади, жуда кўп фикрлар,
мулоҳазалар ўртага ташланади. Она тилимизнинг
софлиги, мусавффолиги учун қайғуриб ёзилган мақола-
ларга, танқидий чиқишларга кун-кунора матбуотда,
ОАВда кўзимиз тушади. Хусусан, ўтган йиллар даво-
мида “Hurriyat” саҳифаларида ҳам пойтахтимиз Тош-
кент ва бошқа шаҳар-туманларда атамаларнинг то-
бора ажнабийлашиб бораётгани хусусида кўплаб
танқидий-таҳлилий чиқишлар қилинди. Аммо минг аф-
суски, мутасаддиларнинг бу чиқишларга муносабати
деярли йўқ ҳисоби.

“Чиқмаган жондан умид”, деганларидек, Ватанимиз
пойтахтида ўзбек тилига бўлган эътиборнинг ғоятда
ғариблиги ҳақида яна бир бор шаҳар ҳокими эътибо-
рига қуйидаги мақола ҳавола этилмоқда.

Тунги Тошкент кўчаларини айлансангиз, турли дў-
кон, сартарошхона ва емакхоналар пештоқларида
ял-ял ёнаётган хорийик тиллардаги ёзувларга кўзин-
гиз тушади: “Mondo family”, “Evos”,
“Magnum”, “Green apple market”,
“Hookah house”, “Korzinka”...

8-6

МАЪНАВИЯТ

АЁЛ МАЪРИФАТИ

Улуғ авар шоири Расул Ҳамзатовнинг “Она тилим” шеъри шундай ғояга
асосланади: шоир туш кўради ва у тушида фоний дунёни тарк этаётган
ҳолда ётганида, унинг олдида ўз олами билан овора бўлган турфа одам-
лар ўтади. Бироқ ҳаёт билан видолашаётган шоирнинг қулоғига сўнгги
дамда авар тилида қувнаб сўзлашиб кетаётган икки йўловчининг суҳбати
чалинади ва шунда мўъжиза рўй беради: шоир ОНА СЎЗнинг, ОНА ТИЛ —
ОНАнинг қудрати билан яна ёруғ дунёга қайтади.

Қайта-қайта ўқийдиганим бу шеър
мени ҳар сафар ҳаяжонга солади ва
поёнсиз ўйлар уммонига ғарқ қилади.
Демак, улуғ Расул Ҳамзатов айтмоқ-
чики, инсон руҳиятини ОНА СЎЗ —

ОНА ТИЛ — ОНА БАТАН қутқаради ва
мўътабар оналар донишманд эркакла-
римиз ёнида туриб, АЁЛ МАЪРИФАТИ
билан дунёга нур
улашади.

2-6

“МЕН – СЕНДАМЕН, СЕН – МЕНДАСЕН”



1901 йилда биринчилар
қаторида Тошкентда илк жадид
мактабини очди, ўқувчиларнинг
соф ўзбек тилида билим
олишлари ва фикрлашлари
учун илк алифболардан бўлган
“Адиби аввал” дарслигини ёзди
ва шу асосда 17 йил таълим
берди, муаллимлик қилди.

1912 йилда ижтимоий
фанлар ўқитиладиган “Намуна”
мактабини ташкил этди. У очган
мактабларида бепул дарслик ва
таълим жорий қилди.

3-6

АЁЛ МАЪРИФАТИ



1-6

Шу маънода яқинда Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган, Бош вазир ўринбосари Зулайхо Маҳкамova ташаббуси билан иш бошлаган “АЁЛ МАЪРИФАТИ” деб номланган илмий-ижодий кенгаш элимиз таниган, турли соҳанинг мухтарама оқила инсонларидан иборат бўлиб, қўмитани фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажаради.

Унинг вазифаси оилавий, миллий-ахлоқий қадриятларга суянган ва уни мустаҳкамлаган ҳолда фарзандларимиз тарбиясида миллий руҳ мувозанатини сақлаш, она заминимизда яшаб ўтган машҳур ва буюк аёллар ҳамда аёллар билан боғлиқ қадамжоларни, Осиё ва туркий халқларнинг тарихи, маданияти, тили, адабиёти ва урф-одатлари ҳақидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш, жумладан, хотин-қизларга жадид аёллар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, узоқ ва яқин тарихда из қолдирган тарихий шахслар ҳақида маълумотлар етказиш ва бошқа ўндан зиёд маърифат дарёларини “оби ҳаёт” каби руҳият кенгликлариға сингдиришдан иборатдир.

3000 йиллик тарихимиздан маълумки, дунёни ҳайратга солган аёлларимиз: она Тўмарис, Зарина, Осиё она, Билқис, Бибиҳоним, Зебунисо бегим, Нодирабегим ва бошқа маликаларимиз она Ватан тимсоли бўлиб тарихда қолган. Уларнинг гўзаллиги, фозила, комилалиги, нозик диди, саховатли қалби ҳақида турли-туман ривоят ва афсоналар сақланиб қолган. Уша даврда яшаган бир шоир Бибиҳонимнинг гўзаллиги ҳақида: “Унинг гўзаллигини сўз билан англатиш мушкул, чунки ул ҳар қандай гўзал сўздан-да гўзалдир”, — деб ёзган эди.

Табиат она бўлиш бахтини бермаган Бибиҳонимнинг нафосатга тўла қалби, нозик ақли, тарбиядаги фидойилиги-у меҳрибончилигини Амир Темур беҳад қадрлаган ва оқила маликага темурий шахзодаларнинг тарбиясини ишониб топширган. Бибиҳоним Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Султон, Халил Султон каби суюкли набираларини кўз қорачигидай асраб, бор меҳру муҳаббатини уларга бахш этди. Ўз сармояси ҳисобидан юрт ободлиги йўлида савоб ишларга қўл уриб, Самарқандда улугвор мадраса бунёд қилди, олимлар, шоирлар ва меъморларга ғамхўрлик қилди.

Ёки:
*Мақсад на эди, келдинг жаҳона,
Кайфиятини баён этиб кет,* —
деб ёзган Моҳлар олим — Нодирабегим нафақат беназир шоира, айни пайтда малика, ўзининг маданият ва маърифатни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти билан замонасининг “Нодираи даврон”и эди.

Шоира ҳаётдан жуда эрта кетган умр йўлдоши — Қўқон хони Умархоннинг бевақт вафотини доимо куйиниш билан эслайди.

“Кундан-кун айрилиқ дарди ва муштоқлик алами ҳаддан оша бошлади. Сабру чидам этагини ҳар қанча ушласам ҳам охир қарор — сизликдан девоналик қўли билан тоқатим ёқасини пора-пора этади. Гоҳо унинг хаёли билан кўнғил изтиробига тасалли бердим, гоҳо унинг ёдиди қилиб дилнинг ҳаяжонли ҳолатига ором ва таскин етказдим. Сайийдлар, шайху уламо-

ларга ҳаёлар, тортиқлар қилиб, дуоларини олдим. Барчасини унинг поки руҳига бағишладим. Фақирлар ва бечораларга инъом ва ҳаёлар билан фойда келтирдим. Яхшилик ва мурувват қилиб, камбағал бечораларни хурсанд қилдим ва эҳтиёжсиз яшашини таъминлаш борасида марҳамат ва шафқатлар қўғуздим... Гул боғда ғайрат билан баланд тоқилик қилиб, ярим доира шаклида мустаҳкам гumbаз бино қилдим. Дўстларга дуоғўй жой бўлди. Унинг ёнига турли илмлар ўқиладиган, динни равшан қилувчи саботатли мадраса солдирдим. Савдогарлар ва саёҳатчилар учун катта меҳмонхоналар барпо қилдим. Астойдил киришиб, қўшинларни тарқатиб, халқни тинчлантирдим. Мамлакатни обод ва бечоралар кўнглини шод қилдим. Дин аҳллари, уламоларга ердан бердим. Шарият ривож топди. Дунёдан воз кечувчи (дарвешлар)га ихлос ва ишонч билдирдим, дин ва миллат камол топди. Илм-хунар ахлига шафқат ва марҳамат билан меҳрибончилик кўрсатдимки, улар фикран ижодий тараққий қилдилар. Муҳтожлар ва гадоларни талабларига етказиб, яхшилик эшигидан ноумид юбормадим” (*Нодира девони, инв. № 313, 6-7-бетлар, Қўлёзмалар институти фонди*).

Бир сўз билан айтганда, унинг замондоши бўлган муаррихларнинг ёзишича, “Унинг ақлу фаросатига замон аҳли ҳайрон ва қойил қолар эди...”

Биз юқорида келтирган иқтибослар улуг тарихимизнинг улуг аёллари ҳаётидан бир



томчи, хопос. Бугун иш бошлаган республика жамоатчилиги кенгаши аъзолари олдида эса буй қизларимиз, гулдан нозик келинчақларимиз, дунёни энди танишга интилаётган қизалоқларимиз қалбини маърифат уммони ила сероб қилишдек улуг вазифа турибди.

Худди шу ният билан жамоатчилиги кенгаши фаолларининг мурожаатномасига жавобан Бош вазир ўринбосари, Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамova ва айрим гуруҳ аъзолари Тошкент вилоятининг Пискент туманига йўл олишди. Мақсад: мулоқотларда фаол жамоатчилиги ва аҳоли вакиллари фарзанд тарбиясида халқ оғзаки ижодиёти ва фольклор асарларидан фойдаланишини кучайтириш, шунингдек, Тошкент вилояти Пискент туманида 1909 йилда туғилган шоира, фольклоршунос олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Музаияна Алавиянинг илмий меросини кенг тарғиб этиш ва номини абадийлаштириш борасида жамоатчилик кенгаши гуруҳи билдирган таклифларни ўрганиб, ушбу борада ҳукумат миқёсида зарурий амалий имкониятлар доирасини кенгайтиришдан иборатдир. Чунки Пискент тумани аҳо-



лиси ва фаол жамоатчилиги 20 йилга яқин давр мобайнида ушбу олима номини абадийлаштириш таклифини илгари суриб келаётгани маълум бўлди. Аҳоли орасида аёл маърифати ва оқила аёллар ҳаракати аъзолари туман аҳолиси, оддий уй бекалари билан ўтказган суҳбатларида бир пайтлар олима номида юритилган кутубхона айни пайтда фаолият юритмаётганлиги маълум бўлди ва ушбу кутубхонани (ҳозирда туман ахборот-кутубхона маркази) Музаияна Алавиянинг номи билан қайта номлаш таклифи илгари сурилди.

Шунингдек, шоира, олима ижодий-илмий меросини: “Оқ олма, қизил олма”, “Совет даври қўшиқлари” тўпламлари, “Интизор”, “Далли” дostonлари, одоб-ахлоқ масалалариға бағиш-

ўта заҳматқаш, ўз она тили ва Ватанининг фидойиси бўлган Музаияна Алавиянинг бизга қолдирган мероси — халқ оғзидан сочилган дуру гавҳарларни тилла сандиққа жойлаб, авлодларига қолдириб кетгандай бир мўъжизадир. “Музаияна Алавия замондошлар хотирасида” деб номланган хотира китобини тайёрлаш ва нашр эттириш, олима номида уй-музей ташкил этиш бугунги кунда ҳаммамиз амалга оширишимиз зарур бўлган маърифий ҳаракатдир.

Зулайхо Маҳкамovaning Пискент халқи аёллари билан мулоқоти жамоат кенгашининг жойлардаги илк амалий қадами бўлди. Фольклоршунос олима Музаияна Алавиянинг “Оқ олма, қизил олма” деб номланган халқ оғзаки ижодиёти термаларидан тузилган китоби халқимиз орасида жуда машҳур бўлган. Уларни санъаткорларимиз қўшиқ қилиб қуйлашган, қиз

базми ва никоҳ тўйларида халқимиз томонидан айтилган.

“Хатто жадид маърифатпарварлик ҳаракати бошланган XIX аср охири — XX аср бошларида ҳам ҳеч ким Каспий денгизидан Олтой тоғларигача бўлган кенгликда истиқомат қилган туркий халқлар оғзаки дурдоналарини ёзиб олиш лозимлигини уйламаган.

Айниқса, “тўрт девор” ичида яшаган, бегона эркак билан ҳамсуҳбат бўлиши гуноҳи азим ҳисобланган аёлларнинг дostonчилик, ривоятчилик, қўшиқчилик ва мақолчилик ижоди намуналарини авлодларга қолдириш имкони бўлмаган ва шунинг учун улар тарих қарига сингиб кетаверган”, — деб ёзган эди академик Наим Каримов “Атоқли фольклоршунос олима ва шоира” мақоласида.

— Ана шундай жасоратли ишни илк бор Музаияна Алавия хоним бошлаб берганлар, — деди Зулайхо Маҳкамova учрашувда.

Музаияна опа эсдаликларида шундай ёзганлар:

“Тоғам Абдулла Алавий ўша пайтда ҳам шоир, ўз замонасининг машҳур инсони бўлиб, Ленинградда таҳсил қўлар эдилар. Мени — ёш қизни уйдагилар турмушга бериб юбормоқчи бўлганларида, ундан хабар топган тоғам отамга хат ёзган:

“Тура ака, Музаиянажон — нозик табиатли, жуда ҳам тийран, андишали, зийрак қиз. Шоирлик таъби бор. Ўтмишда бундай табиатли қизлар ўзлари кутган оруз-ҳавасларига эришолмасдан, йиғлаб келиб, йиғлаб кетганлар. Мен ўшалардек бахтсиз бўлмасин, деб кўрқаман. Агар биз уни ўқитсак, яхши бир киши бўлиб етишади. Шунинг учун уни куёвга беришда жуда эҳтиёткорлик зарур. Сабр қилинг, синглимнинг инжа кўнгли яраланмасин, келажакка ишонч билан қўлини кўзлари ёшга тўлмасин...”

Шу хатни ўқиб, мухтарам Президентимизнинг ўтган йили 8 март байрами тадбиридаги нутқида бутун Ўзбекистон оналарига, барчамизга мурожаат қилиб, “қизларимизни ўқитайлик, уларга илм берайлик, уларни эрта турмушга беймайлик” деган маънодаги таъсири дaъваткор сўзлари едимга тушди.

Қаранг, ҳамма замонларда ҳам халқимизнинг маърифатпарвар қатлами қизларни асрашни ўз виждоний вазифаси деб билганлар, — деди Зулайхо Маҳкамova. — Шунингдек, олимamиз “... Хатнинг таъсири бўлмагач, мен Пискентдаги уйимиздан Самарқандга қочиб кетишга мажбур бўлдим, бир оёғимга отамнинг маҳсуси, иккинчи оёғимга ўзимнинг маҳ-

симни кийиб қочиб кетганман. “Маърифатга ўзимни отдим” менинг биринчи шеърим эди,” — деб ёзганлар эсдаликларида.

Ўзбек қизлари билимга ташна бўлган ва улар ўқиш учун, билим олиш учунгина ўз уйларидан чиқиб қочиб кетганлар. Фақат билим олиш ёки эрки учун курашишгагина шу йўлни тутганлар. Албатта, бу давр билан боғлиқ оғир ҳолатлар, лекин барибир илм олиш учун ана шундай жасорат кўрсата олганлар номи абадий яшайди!”

Олиманинг бошидан кўп аччиқ кунлар ўтган. Музаияна Алавия Чўлпон, Санжар Сиддиқ, Ғози Юнус, Хуршид каби шоирларни яхши билган, мулоқотда бўлган.

У 1931 йилнинг январида жонажон тоғаси, маънавий раҳбари, Чўлпоннинг севилими шоғирди Абдулла Алавийдан айрилди. Тоғасининг табаррук руҳига “пантуркист” деган “ёрлик” тақалади.

Орадан кўп ўтмай, турмуш ўртоғи Лутфулла Алавийга “халқ душмани” тамғаси босилиб, маърифатпарвар инсонлар қаторида қамоққа олиниб, беному нишон кетди.

Мактабларда дарс беришдан мосуво қилинади. Улуғ форс шоири Ҳофиз Шерозийнинг бир байтини таржима қилгани учун мактабдан, таҳсил олаётган педагогика институтидан ҳайдалади.

Музаияна Алавия хоним ўша пайтларда қатагон қилинган миллатимизнинг асл зиёлиларини кўрганлар ва изтиробини ҳис этганлар. Ўзлари ҳам қатагон азобини кўрганлар. Хўш, нега биз жадид аёлларимиз сафида Музаияна опа каби жасорат соҳибаларини санамаслигимиз керак? Менимча, бемалол бу аёлларни ҳам жадидларимиз сафида санашга ҳақлимиз!

Қатагон қилинган, Сибирга сургун қилинган, отиб ташланган, дом-дараксиз кетган отаси, ака-укаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандларидан айрилган ўзбек аёллари, ўзбек оналари дардини ичига ютган, юрагини ўт бўлиб куйдирган азобларини пинҳоний қўшиқларга, лапарларга, халқ оғзаки ижодиға жамлаган. Уларнинг изтиробларини, орзу-умидларини дафтарга тушириш ёш Музаияна хонимнинг мақсади бўлган.

Шунингдек, Музаияна Алавия миллий қадриятларимиз бўлган “Сумалак сайли”, “Қовун сайли”, қадимий миллий байрамларимиздан Наврўз сайли тадбирларини яхши ўрганганлар. Шу боис у кишининг ижодий меросида ўзбек халқ қўшиқлари, терма қўшиқлар, лапарлар, ёр-ёрлар, Хоразм қўшиқлари, келин салом, улан, байт ғазаллар, меҳнат қўшиқлари, аллалар жой олган эди.

Улуғ санъаткоримиз Коммуна Исмоилова маҳорат билан қуйлаган Хоразм термаларини ҳозир ҳам ёшларимиз қуйлашмоқда.

Олима юртнинг ичида бўлиб, Фозил шоирдан Гўрўғли туркумига кирган “Интизор” ва “Кунларим” дostonларини ёзиб олиб, яна қанча янги номларни кашф қилиб, 1959 йилда “Ўзбек халқ қўшиқлари” мавзюида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Музаияна Алавия улуг олима бўлиш билан бирга улуг она ҳам эди.

У хотираларида “Менда, Музаияна Алавияда, икки ўғил — Фарҳодхон, Анистон, қизим (ўртанчаси) Мусавварахон — ҳаммаси ҳам ота касбини эгаллаб, врач мутахассис бўлиб етишди” — деб ёзган.

“Бугун даврамизда олимamизнинг қизлари Мусавварахон опа иштирок этаётган эканлар, мен чин дилдан таъзим қиламан ва раҳматлар айтаман, — деди Бош вазир ўринбосари Зулайхо Маҳкамova. — Музаияна Алавия номи халқ қалбида абадий яшаш учун бизлар барчамиз, хусусан, олима туғилиб ўсган Пискент ахли кўп ишлар қилишимиз керак.

Фаол жамоатчилик вакиллари, ижодкор аёллар Музаияна Алавиянинг Пискентда — ўзи туғилган юрда, гарчи 16 ёшида бу ердан кўчиб кетишган бўлса-да, уй-музейларини ташкил этиш таклифини билдиришмоқда. Эндилкида ушбу таклифини илгари суриш, яқиндагина нашрдан чиққан икки жилдлик сайланма асарларини тарғиб этиш, ва яна чоп этилиши режалаштирилаётган навбатдаги икки жилдлик асарларини нашр эттириш каби ишларни сиз азизлар билан биргаликда амалга оширишимиз зарур.

Мана шу ишларни амалга ошириб, Тошкент вилояти Пискент тумани мисолида бутун республикамизга халқ оғзаки ижоди намуналарини, олимamиз қолдирган илмий-бадий меросини тарғиб этиб, ёшларимиз тарбиясидаги педагогик таъсирини ҳам очиб берамиз деб умид қиламан”, — деб Зулайхо Маҳкамova учрашув ахлига юзланганда, иштирокчиларнинг мижжаларида севинч ёшлари қалқди.

Музаияна Алавиянинг қизлари Мусаввара ая, учта эгизак набиралари — ахли Пискент, халқ оғзаки ижоди билимдонлари АЁЛ МАЪРИФАТИ нуридан масрур эди. Шу пайт барчанин қўлоқлари остида Ўзбекистон халқ шоири, мухтарам Зулфияхонимнинг улуг Музаияна Алавияга атаб айтган ушбу сўзлари жаранглаб кетгандек бўлди: “Сиз асарларингиз билан ҳам, меҳнат фаолиятингиз билан ҳам, шахсий намунангиз билан ҳам кишини ўқишга, ўрганишга, айниқса, бизнинг бениҳоя бой оғзаки адабиётимиз хазинасига гаввосдай шўнғишга тарғиб қилар эдингиз. Мен ҳам сизнинг изингиздан бордим, сиз ўша хазинадан олиб халқимизга берган фольклор дурдоналарини ўрганишга мукка тушдим. Бу дурдоналар беҳисоб, бебаҳо...”

Қайси бирини айтилик, сизнинг ўзингиз, Музаиянахоним, йиллар чангини артиб бизнинг қўзимизга тутган дostonлар, эртаклар камми, бепоён республикамиз бўйлаб кезиб ҳали у пучмоқдан, ҳали бу шаҳардан дostonчи ёки қўшиқчини топиб ёзиб олган дoston, қўшиқ озми?! О. опахонимиз, кишилар қалбига йўл, унинг дилидаги бойлигини ўқиб олиш, уни тегиб олиб халқ мулкига айлантириш учун катта санъат керак!”

Биз Тошкентга қайтаётганимизда, эрталаб атрофни қўршаган қуюқ туман таркаган, қуёш чарақлаб нур сочар, руҳимиз пардек енгил эди.

Шарифа САЛимова,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоира.



ЎЗЛИК

Жадидлар осмонни ёритган юлдузлар кабидир. Йўлини йўқотган йўловчи юлдуздан йўл сўраганидек, халқ озодлик, саодат, тараққий йўлини туттишида жадидлар маёқ бўлдилар. Маърифат осмонининг йўлчиларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхоновдир. У бор умрини, билимини ва бутун салоҳиятини халқини саводли, маърифатли ва маданиятли қилишга бағишлади, илм-фан тараққийси йўлида жасорат билан мақолалар ёзди, мактаб ва газета очди.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг фаолияти ва ижодига бўлган қизиқиш, ундан бугунги ўзбек жамияти ва маърифатини ривожлантириш йўлида самарали фойдаланиш гоят долзарбдир. 2023 йили Тошкентда “Мен сендамен” номли китоб нашр этилди. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев муҳаррирлигида нашр этилган ушбу китоб-жамланмадан Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг шеър ва ҳикоялари, айрим дарсликлари, сафар хотиралари, рисола ва мақолалари, турли минбарларда сўзлаган нутқлари, ёзишмалари, мактублари ва шогирдларининг хотиралари келтирилган.

“Мен – сендамен, сен – мендасен”. Бу сўзлар эрк ва хурлик куйчиси Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг дастуриламали, миллатни уйғотувчи “харита”си бўлган. “Мен сендамен” китобини мутолаа қилиш билан ўзининг ҳаётини юрт ҳаётида, борлигини элнинг борлигида, кўзининг нурини миллатнинг уйғоқлигида, йўлининг чароғонлигини миллат ҳаётининг мунавварлигида кўрган маёқдор маърифатпарварнинг бор руҳий ва маънавий олами, мураккаб ҳаёт йўлини ҳис этиш мумкин.

Асарнинг кириш қисмида унинг халқ олдидаги обрў-эътибори бениҳоя юксак бўлгани ҳақида маълумотлар келтиради. У шу қадар хурмат ва обрўга эга эдики, 1921 йилда қамалганда Тошкентнинг эски шаҳар халқи норозилик билдириб бош кўтарган, митинг ўтказган. Вафотидан сўнг Италиянинг бешта газетаси таъзия хабарларини босади, Парижда туркистонлик муҳожир курашчилар Мустафо Чўкай бошчилигида Мунаввар қорини эслаш, хотирлаш кечасини ўтказадилар.

Китобнинг маърифатпарвар фаолиятига бағишланган “Миллатпаноҳ” қисмида маориф тизимини ислоҳ қилиш йўлидаги меҳнатлари тилга олинади. 1901 йилда биринчилар қаторида Тошкентда илк жадид мактабини очди, ўқувчиларнинг соф ўзбек тилида билим олишлари ва фикрлашлари учун илк алифбодлардан бўлган “Адиби аввал” дарслигини ёзди ва шу асосда 17 йил таълим берди, муаллимлик қилди. 1912 йилда ихтимойий фанлар ўқитиладиган “Намуна” мактабини ташкил этди. У очган мактабларида бепул дарслик ва таълим жорий қилди.

Китобда Мунаввар қори Абдурашидхонов

“МЕН – СЕНДАМЕН, СЕН – МЕНДАСЕН”



ёхуд қўлқоп тиккан жадид ким эди?



Мунаввар қори рафиқаси Лазизахон ва жияни Мухаммадхон билан. 20-йиллар ўрталаридаги сурат.

маориф тизимидаги фаолиятини юқори даражада олиб боргани таъкидланади. У Турор Рисқулов, Файзулла Хўжаев, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат сингари фидойилар билан халқни қолоқлик ботқоғидан қутқариш йўлида миллий кадрлар тайёрлашга эътибор қаратди. Бир қатор ёшларни Германия, Туркия, Бокуга таълим, янги билимлар олишлари учун жўнатишда бош-қош бўлди. Бундан ташқари ўзбек халқи учун “Мусулмон халқ дорил-

фунуни” ташкил этишда унинг алоҳида ва улкан меҳнатлари бўлган.

Давр матбуотини эса Мунаввар қори Абдурашидхоновсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Халқнинг илм-саводи, маънавий қиёфаси, дунёвий тафаккури учун кураш олиб борар экан, миллат келажагини белгилловчи ёшларнинг фикрини кенгайтирувчи, тиниклаштирувчи омил сифатида газеталарни кўради. 1906 йилда Худоёрхоннинг ўғли шоир Хисрав

ёрдамида “Хуршид” газетасини ташкил этади. Кейинчалик “Нажот”, “Шуҳрат” газеталари ҳам очилади. Ҳамма маърифатпарварлар қаторида у ҳам таъкибларга учрайди, газеталар ёпилади. Шунга қарамай, маърифатпарвар жадид бобомиз фаолиятдан тўхтаб қолмайди.

Одамлар дунёқарашига таъсир кўрсатишнинг яна бир улкан майдони мавжуд эди. Бу – театр саҳнаси. Буни чуқур ҳис қилган Мунаввар қори миллатдошларига театр орқали таъсир кўрсатишга аҳамият қаратади ва “Турон” театр труппасининг ташкилотчиларидан бири сифатида фаолият юритади, ҳатто ўзи кўплаб роллар ижро этади.

Мунаввар қори турли жамғарма, ташкилотлар асосчиси ҳам бўлган. Жумладан, “Турон”, “Хайрия жамияти” каби жамғармалар фаолияти йўлга қўйилиб, ўз вақтида катта аҳамият касб этган.

Мунаввар қори “Оврупо ва Омриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нариги бурчаклари билан бевосита хабарлашар бир ҳолга, бир маданиятга эриштирдилар”, – деганда бизнинг халқимизни истиклолга, Ватанимизни жаҳон мезонидаги давлатга айлантиришни орзу қилди. Зеро, у истибдоднинг умри қисқалигини яхши биларди. Шу боис сўроқлардан бирида шўро ҳукумати, фирка ҳам вақти келиб ичидан емирилиб, парчаланишини башорат қилган. Унинг башорати тўлиқ амалга ошди”, деб ёзади “Мен – сендамен” китоби сўзбошисида тарихчи олим Сиро-жиддин Аҳмад.

Манбаларда Мунаввар қорининг Ҳамза Ҳакимзода Нисийи, Абдулла Қодирийларга ҳам устозлик қилгани, Қодирийнинг, Маннон Уйғурнинг Москвадаги ўқишида ҳам ёрдам бергани тўғрисида маълумотлар мавжуд..

Миллат ҳимоячиси тухмада учраб, Москвага кетади. Бу ҳақда “Хотиралар”ида шундай деган: “Мани миллатчилик, ватанчилик ила муттаҳам қилгн шу миллат ва ватандан бутун алоқамни уздим, қолган умримни шўролар марказида кучим етганича илм ила машғул бўлиб ўтказаман”. Аммо кўп ўтмай у Акмал Икромов томонидан юртига қайтарилади. Бир

муддат ўқитувчилик қилади, яна қўлқоп тикиб сотиш билан шуғулланади. Бироқ 1929 йилда қамоққа олинади, узоқ қийноқлар жараёнида сўроқ варақаларига қўл қўйдириб олинади. Мунаввар қорини олиб кетишгаётганда “агар эътиқодингдан воз кечсанг, шароитингни енгиллатамиз” дейишган. У эса ҳеч қачон қайтмаслигини айтган”, деб ёзган шарқшунос Лазиз Азиззода.

Мунаввар қорини нафақат маърифатпарвар, балки чинакам адиб ҳам дейиш мумкин. Чунки у ҳикоя ва шеърлар ёзган, уларнинг айримларида “Муҳаррам” тахаллусини қўлаган. Масалан, “Садоий Туркистон” газетасида зиёли миллатнинг қандай бўлиши ҳақида “Бизда жамият” ҳикояси чоп этилади. Бундан ташқари “Қулликка қандай тушди?”, “Туғишганлик севгиси”, “Девпечак” каби ҳикоялар, “Ўзи ҳам тор эди”, “Ялқовлик ёвимиздир”, “Ҳар ким эканини ўради” сингари шеърлар ёзган.

Мунаввар қори ўзбек жамиятида оила муносабатлари уйғун ва мукаммал бўлишини истайди. Бу борада қуёнчақлик билан ёзилган кўплаб мақолалари ўша давр матбуотида ёритилди. Жумладан, “Никоҳ тўғрисида” номли мақоласида одамларнинг тўй-томошга ўч эканлиги қораланиб, “Закот бермоқ бўлгон ҳолда бир бой закот бермаса, ҳеч кимнинг иши йўқ, аммо ўғлини уйлантириб, базм бермаса, авомлар ўртасида маломатта мустаҳиқ бўлур”, дейди. Бу сўзлар бизнинг ҳануз ана шу каби қарашлардан қутула олмаётганимизни ёдга келтириб, юрагимизни тирнайди. Жадидлар ўйлаган мустақил жамият, давлат қурилди, лекин биз ҳали ҳам истакларимиз ва ортиқча манфаатларга қўлқидан қутула олмадик.

“Мақбул қурбонлар” мақоласида эса “Хурият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила оллуб бўлмас, фақат қон ва қурбон ила олиб бўлур”, деди Мунаввар қори. 145 йил давомида оддий халқдан тортиб, илмли кишиларгача “хурият” байрогини кўтарганки бор, қурбонга айланаверди. Умри давомида ўз эътиқоди ва қарашларига содиқ қолган, халқ манфаатини ўз ҳаётидан устун билган Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам хурият қурбони бўлди.

Мунаввар қори Абдурашидхонов, аввало, маърифатпарвар, муаллим, журналист, адиб, санъат вакили, шогирди Лазиз Азиззода таърифи билан айтганда, “теран мафқурачи, дипломат” эди.

Хуллас, жадид бобомиз Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Мен сендамен...” китоби бу улугъ маърифат куйчиси ҳақида сўзлайди, наинки сўзлайди, фарёд чекади, бонг уради, уйғотади, ўқишга, илмли бўлишга, миллатга хизмат қилишга ундайди. Истардикки, ушбу китоб мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари кутубхона жавонидида мавжуд бўлса ва мутолаа қилинса. Шояд бор қувватимиз ва қудратимизни шу боболарга муносиб бўлиш ва шу миллат равнақиға хизмат қилишга йўналтирсак.

Гулнора ШЕРМАТОВА

ЭЗГУ АМАЛ

БЎСТОН “ЛОЧИН”ЛАРИ

(“Уч авлод ибрати” туркумидан лавҳалар)

Бир пайтлар чўл туманга ҳаёт бағишлаган миришкорлар “Бўзни Бўстон қилганлар” деб эъзозланар эдилар. Бободехқонларга аталган бу таърифдан ғурурланишарди. Пахтакорлару ғаллакорлар, боғбонлару чорвадорлар ҳалол ва соддадил эдилар. Тонгдан то шомгача қилган меҳнатидан завқ олишарди. Далада ҳаёт жўшқинроқ, шийпонлар файзлироқ, деҳқонлар ҳам бахтиёрроқ эдилар. Назаримизда, одамларда ерга меҳр бошқача эди. Журналистлик фаолиятимда мамлакатимизнинг турли минтақаларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб мавзуларни матбуотга олиб чиққанман.



У очикқўнгил ва самимий инсон экан. Сўхбатимиз эски кадрдонлардек тез чўғ олди.

— Бир юз йигирма бир гектар майдонда пахта, ғалла, полиз ва сабзавот экинлари етиштирамиз, — деди Иқболжон. — Ўтган йил қишлоқ хўжалигида қанчалик оғир келган бўлса-да, ҳамма соҳада режаларини ортиги билан бажардик. Президентимизнинг камбағалликка қарши курашиш, ишсизликни имкон қадар қисқартириш бўйича олиб бораётган сиёсатиға жавобан режали ишларни амалга оширялмиз. Камбағаллик ва ишсизлик инсонни нақадар оғир аҳволга солиб қўйишини қишлоқдагилар яхши билишади. Бундай савобли ҳаракатнинг қанчалик муҳим эканини, айниқса, биз фермерлар танамиздан ҳис қиламиз. Хўжалигимизда эллик нафар аёлни, йигирма беш нафар эркекни иш билан таъминлаганмиз. Уларга йил давомида кишин-ёзин ойлик бериб боришмоқда. Хўжалик аъзоларимизнинг ичида камбағали йўқ, уларнинг иссиқ-совуғидан доимо хабар олиб турамыз. Нима етишмовчилиги бўлса, келишади, баҳоли қудрат ёрдам берамиз.

Иқболжон Мамиралиев очик чехрали, кўнглидагини яширмайдиган дилкаш фермер экан.

— Фермерлик бизга ота мерос, хўжалигимизни раҳматли Мамирали отамиз номи билан атаганмиз, — дея у ҳикоясини давом эттирди. — Оиламиз жуда катта, олти қиз, беш ўғилмиз. Ўн бир фарзандни оқ ювиб, оқ тараш, тарбия бериш, ўқитиш, касал бўлганида қўшилиб дард чекиш, тўйларини ўтказиб, уйли-жойли қилиш,



буларнинг барчаси бир ота, бир онанинг ёшлигини, белидаги қувватини, кўз нурини олади, сочларига оқ, юзларига ажин туширади. Бола-чакам, уйим-жойим дейдиган, ймони бақувват ота-она фарзанди бўлишнинг ўзи ҳам нёзмат!

Ижодкор сифатида шундай фикрга келганманки, қайсики фарзанд ота-онаси, устози ҳаётлигида хизматларини қилиб, дуоларини олсагина, уларнинг фарзандлари ҳам шундай саодатга эришар экан. Бугун шундай бахту шодонликка эришган Мамиралиевлар оиласи ҳақида ҳам ҳавас билан ёзаяман.

Иқболжон ўтиб кетган ота-онаси руҳини шод этай, уларни кўриб тургандай бўлай деб ўғлига отасининг Абду-

мутаиб исмини, набирасига онасининг Махфират исмини қўйибди.

Ўғли Абдумуталиб ҳам бобосининг изидан бориб, отасига ҳар ишда қанот экан.

— Отам раҳматли бировга ҳечам қаттиқ гапирмаган, одамларга фақат яхшилиқни раво кўрган киши эди, — дея Иқболжон хотираларидан сўзлади. — Одамлар ҳақиға хиёнат қилманлар деб қаттиқ ўқтирарди. Битта укам ҳуқуқшунос, айниқса, унга: “Асло пора олмагин, пул керак бўлса, менга айтигин, ўзим бераман”, деб тайинларди. Отамизнинг ҳаёти бизларга ибрат мактаби бўлди. Яратганга шукр, уларнинг панду насихатларига амал қилиб, эл ичида бошимизни баланд кўтариб юрибмиз.

— Ўғил фарзандларидан юз тузилиши отангизга ўхшайдигани ким? — деб сўрадим. Тасодифни қарангки, са-



вол беришимдан бир неча дақиқа ўтмай, биз сўхбатлашиб ўтирган хона рўпарасига оқ рангли “Дамас” автомашинаси келиб тўхтади.

— Мана, Бахтиёр акам ҳам келиб қолди, шу акам отамга жуда ўхшайди.

Бахтиёр ака билан “ассалому алайкум, ваалайкум ассалом”дан бошланган сўхбатимиз қизиб кетди. Бахтиёр

Мамировга “Лочин” фермер хўжалиги отасидан мерос экан.

— Отамиз Андижон қишлоқ хўжалиги институтини битирган агроном бўлган, — деди Бахтиёр ака. — Айтган сўзида турадиган субутли инсон эди. Жуда саҳар уйғонардилар. Бизлар ҳам ёшлигимиздан шунга кўникканмиз. Бировнинг дилини ҳеч оғритмас эди. Ҳаммага ўзининг туғишганидек муомала қиларди. “Одамларнинг ҳақиға хиёнат қилма”, деб тарбия берган. Деҳқончилик илмини яхши биларди. Айниқса, мол-қўй боқишнинг ҳадисини олгани учун қўлидаги чорва ҳайвонлар тез кўпаяр, тезда семириб кетарди. Аллоҳ юктирган қўли баракали инсон эдиларда.

Бир одатлари далага борганда бир сиқим тупроқни қўлиға олиб ўқалаб, синчқилар қарардилар. Гуё гаплашарди. Ҳайдалган ерга қушни ҳам кўндирмас эди. “Ер дам олиши керак”, дерди. Одамнинг кўнглини олишни биларди. Хотираси жудаям кучли эди...

— Фарзанд-набиралардан хотираси кучлилик жиҳати билан ким отангизга ўхшаган? — деб сўрадим.

— Мана бу набирасида шу хислат бор, — деб Бахтиёр ака Азамат билан таништирди.

— Катта отамиз бир марта кўрган кишини, бир эшитган воқеани эсидан чиқармайдиган, синчков ва назаркарда киши эди, — дея Азамат сўхбатимизга қўшилди.

— Кўча-кўйда: “Кимнинг боласи-сан?” деб сўрашса, “Мамиралиев Абдумуталиб аканинг неварасимиз”, дейман. Одамлар бошқатдан қуришиб, бобомизнинг яхшилиқларини, инсонийлик хислатларини еслашади. Қувониб кетаман. Бобомга ўхшайин деб яхши ният қиламан.

...Гараждаги мўъжазгина хонада темир печкада олов гуриллаб ёниб турибди. Печка устидаги қайнаётган човғунни кўриб, болагим ёдимга тушди. Онам раҳматли шундай печканинг бир

кўзида овқат пиширарди, бир кўзида чой қайнатарди. Уйимиз ҳам иссиқ бўларди. Печка чўғидан сандалга солиб турарди...

Иқболжоннинг таклифи билан гаражни айландик.

— Бундан олти йил аввал ғалла ўрадиган учта комбайн олгандик. Ўрим пайтида жуда асқотди. Ўтган йили Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган пахта терадиган комбайнлардан лизинг орқали ўн йил муддатда қийматини тўлаш шарти билан олдик. Машинада пахта теришини йўлга қўйиш, Президентимиз томонидан белгилаб берилган режаларни бажариш учун ҳаракат қилялмиз.

Фермер хўжалигимизда қирқ бош қўй боқялмиз. Бостирма тагидаги кўрада қўй-қўчқорлар ем ейиш билан овора. Ўн, ўн беш кунлик қўзичоқлар она қўйлар атрофида парвона. Энди қорамол ҳам боқамиз деб турибмиз, — деди Иқболжон Мамиралиев бўш турган бостирмага ишора қилиб.

Нариқроқда ишчилар фермер хўжалиги далаларида етиштирилган қўлардаги сабзани кичик юк автомашинасига ортишмоқда. Яна бир киши техника қисмини таъмирлаётир. Қўш бўлса-да, хўжалик аъзолари иш билан банд.

Фермер хўжалигидан қайтар чоғимиз Азаматнинг бир сўзи ёдимда қолди.

— Мамиралиевнинг фарзандлари бир-бири билан жуда ҳам иноқ, аҳил, илтимос, мақолангизда шу ҳақда ҳам ёзиб кетсангиз!

Албатта, ёзаман, айниқса, бугун ҳаётда таборо суслашиб бораётган меҳр-оқибат, одамгарчилик, муруват, яхшилиқ каби қадриятларни улуғлаб келаётган бу оила ҳақида насиб бўлса, ҳали кўп ёзилади...

Дилмурод КИРГИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

Журналистика фидойи-ларидан бири, узоқ йиллар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимига раҳбарлик қилган Бахтиёр Асадов хотирасига бағишланган “Мудом қалбимизда яшайсиз, устоз” номли хотира тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар фидойи журналист, самимий инсон Бахтиёр Асадовнинг ҳаёт йўли ва ижоди, сермазмун фаолиятини юксак эҳтиром билан эсга олди.



УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Бахтиёр Асадов ўз меҳнат фаолиятини 1980 йилда “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасида муассасхх сифатида бошлаган. Йиллар давомида турли нашрлар ва телевидениеда фаолият юритиб, ўзининг тажрибаси, маҳорати ва садоқати билан эл эътиборини қозонди. Унинг журналистикага бағишланган йиллари ёш авлод учун ибрат намунаси бўлиб қолди.

“Бухоро спорт” газетаси вилоятда илк бор ижодкор томонидан ташкил этилган хусусий нашрлардан бири сифатида тарихда қолди. Унинг маҳорати ва ўзига хос ёзиш услуби минглаб муштарийларнинг қалбидан жой олди. Бахтиёр Асадов “Бухоро спорт” газетасини нафақат нашр сифатида, балки ёш ижодкорларнинг маҳорат мактабига айлантирди. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган “Ёш журналистлар мактаби” кўплаб ёш

қалам аҳлининг камол топишида муҳим роль ўйнади.

Бахтиёр Асадов нафақат матбуотда, балки ўз оиласида ҳам журналистлар сулоласининг асосчиси бўлди. Унинг турмуш ўртоғи Орзул Мўминова узоқ йиллар матбуот соҳасида фаолият юритди. Марҳум устознинг фарзандлари ҳам матбуот ва матбаа соҳаларида фаолият юритишмоқда. Тадбир давомида журналистнинг дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари унинг инсоний фазилатлари, устозлик меҳри ва журналистикага қўшган беқиёс ҳиссасига тўхталди.

Хотира тадбири давомида марҳум журналист ҳақида тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

Ўзбекистон Журналистлар Уюшмаси
Ахборот хизмати

ФОТОКЎРГАЗМА

“Юракка кўмилар асл шоирлар...”

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф — умрини ижодга бағишлаган, ўз халқи, эл-юртининг дарди билан яшаган қалб соҳиби эди. У ўз халқини, тупроғини жондан ортиқ кўрарди. Халқимиз ҳам етти ёшдан етмиш ёшгача шоирни яхши кўради ва хотирлайди.

Шу йилнинг 4 февраль куни “Тошкент фотосуратлар уйи”да Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғани Жуманин “Юракка кўмилар асл шоирлар” номли кўргазмаси бўлиб ўтди.

Бадий кечада шоирнинг оила аъзолари, санъат вакиллари, ёзувчи-шоирлар, таниқли фотосуратчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Кўргазмалар залига киришда Муҳаммад Юсуф сурати туширилган фотоахборотлар шоирнинг ижоди давлатимиз ва халқимиз томонидан нечоғлиқ қадрланаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Зеро, шоирнинг ўз Ватанига содиқлиги, чексиз муҳаббати, халқ келажаги учун чин дилдан қайғуриши ёзган ҳар бир шеъри, сатрларида ўз аксини топган.

Шоирнинг ҳаёти ҳақида кенгроқ маълумот ва тасаввур ҳосил қиладиган янгича фотокўргазмада Абдуғани Жума томонидан турли йилларда суратга олинган 70 та сурат қўйилган. Унда анъанавий фотосуратлардан ташқари алоҳида гуруҳли портретлар, фотомонтаж тарзидаги туркум фотопортретлар, ҳамда шоирнинг ижодий ҳаётидаги баъзи воқеаликлари курсатувчи сахналар ўрин олган. Шу ўринда айтиш мумкинки, Абдуғани Жума Муҳаммад Юсуфнинг яқин дўсти, ҳамнафас замондоши эди.

“Шоир, ёзувчи, рассом, умуман, санъатга



дахлдор инсон дард билан яшайди. Агар дард бўлмаса, уни ҳеч ким қадрламайди. Унда шира, меҳр, муҳаббат туйғуси бўлиши керак. Уйлайманки, кўргазма орқали биз бир нарсга эришдик: ижодкор инсон қалбини акс эттириш. Кўргазмадаги суратлар ичида Муҳаммад Юсуфнинг сўнгги сурати ҳам бор, ўзи кўрмаган. Бу ҳаммамиз учун қайғули эмасми? Биз у билан яқин дўст бўлганмиз. Муҳаммад Юсуф жуда камсукум, камтар инсон эди.

Ушбу кўргазма шоир-ёзувчилар шахси, ижод йўли ҳақида амалга оширилаётган дастлабки ишлардан. Давом этишидан умидвормиз. Бу каби кўргазмаларни ташкил этишда Ёзувчилар уюшмаси, Бадий академия, Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорлиқни, мулоқотни яқинлаштиришдек ҳолис ният турибди”, – деди фотожурналист Абдуғани Жума.

Кўргазмадан жой олган суратлар шоир образи, унинг турли давр ва давралар, киёфасидан ижодий руҳ барқ уриб турган ҳолатларини гавдалантирган. Залнинг ўнг томонида шоир-

нинг ўсмирлиги, оиласи даврасидаги тарихий суратлари техник фотомонтаж усулида тайёрланиб намойиш этилган. Асосий майдонда эса шоирнинг ижодий онлари ва фотограф билан самимий суҳбатлари ўрин олган эди.

Расмларни кузатар экансиз, шоир характери, унинг инсон сифатидаги қиёфасини шу-рингизда қайта чица бошлайсиз. Уни теранроқ англайсиз.

Кўргазмада Абдуғани Жуманин “Муҳаммад Юсуфнинг биринчи ва сўнгги сурати” номли эссе-каталог ҳам меҳмонлар эътиборига ҳа-вола этилди.

Кеча давомида таниқли санъаткорлар томонидан Муҳаммад Юсуф шеърларига басталланган куй-қўшиқлар ижро этилди.

Ушбу хайрли ташаббус бошқа адабий қатлам вакиллари билан ҳам давом эттирилиши кўтилмоқда. Муҳаммад Юсуф ижоди ва ҳаётига бағишланган фотокўргазмалар, ижодий кечалар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида давом этади.

Ўз мухбиримиз.

ТАДҚИҚОТ

Жамиятнинг энг муҳим воқеаларини тасвирлар орқали акс эттирувчи санъат ва оммавий ахборот воситаси фотожурналистика ҳисобланади. Ҳар бир тасвирнинг ўзида тарих, ижтимоий ўзгаришлар ва инсониятнинг турмуш тарзига оид бир парча мавжуд. Ўзбекистон тарихида фотожурналистика ўзига хос ўрин тутди, чунки у нафақат воқеаларни ҳужжатлаштириш, балки жамиятдаги ўзгаришларни кузатиш ва кўрсатиш имконини беради.

Ҳозирга келиб ўзбек фотожурналистикаси янги имкониятларга эга бўлиб, замонавий технологиялар, янги ифода воситалари ва визуал санъатнинг ўзига хос йўналишларини ўзлаштира бошлади. Келинг, ўзбек фотожурналистикасининг ривожланиш тарихига, унинг жамиятдаги ролига ва келажақдаги истиқболига назар ташлайлик.



НИГОҲ ВА ИҚТИДОР ЖОЗИБАСИ

ёки тасвирларда ҳаёт нафаси

Ҳеч нарса сурат каби қисқа муддатда жуда катта маълумотни бера олмайди.

Элёр НЕЪМАТОВ,
ҳужжатли фотография устаси



Собиқ Иттифоқ даврида ўзбек фотожурналистикаси марказлаштирилган сиёсий тизимнинг қатъий назорати остида эди. Ушбу даврда бошқа мафкура воситалари сингари фотожурналистика ҳам асосан давлат сиёсатини ва идеологиясини тарғиб қилиш воситаси сифатида ишлатилган. Совет даврида журналистика ва фотожурналистика ўртасидаги чегаралар аниқ белгиланган эди. Фотожурналистлар тасвир орқали жамиятдаги воқеаларни кўрсатиш имкониятига эга бўлишган бўлса-да, улар кўпинча расмий сиёсат ва идеологияга бўйсунушга мажбур эди. Бу даврда фотожурналистлар ўз ишларини совет мафкурасини илгари суришга бағишлаган. Тасвирлар орқали акс эттирган, улар орқали совет тузумининг муваффақиятлари, ишчилар ҳаракати ва кишлоқ ҳўжалиғидаги ютуқлар кўрсатган. Расмий матбуотда кўп ҳолларда ўзгаририлган ва идеаллаштирилган тасвирлар мавжуд бўлиб, уларда давр ғалабаларини, коллектив ҳўжалиқларидаги ютуқларни ва ишчилар синфини кўрсатиш асосий мақсад эди. Тасвирлар кўпинча сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим воқеаларни ёритиш учун ишлатилган, бироқ бу воқеалар кўпинча фақат расмий ахборотдан иборат бўлган.

Мустиқликл фотожурналистикага янги эркинлик ва имкониятлар берди. Албатта, ўзбек фотожурналистикасида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Энди фотожурналистлар фақат давлат сиёсатини ёритиш билан чекланиб қолмади, балки мустиқликл журналистика ва тасвир санъатининг янги йўналишларини яратишга киришди. Фотожурналистлар энди фақат расмий сиёсатни эмас, балки жамиятдаги барча соҳаларни, шу жумладан ижтимоий муаммоларни, коррупция ва сиёсий ҳаётни ёритиш имкониятига эга бўлдилар. Рақамли технологиялар ва компьютер таҳрири фотожурналистиканинг

янги босқичга олиб келди. Фотожурналистлар мобиль телефонлар, рақамли камералар ва тезкор воситалардан фойдаланган ҳолда тезкор ахборот узатиш имкониятига эга бўлдилар. Интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожланиши билан фотожурналистиканинг янги йўналишлари пайдо бўлди. Фотожурналистлар ўз ишларини интернет орқали оммалаштира бошладилар. Таъкидлаш керакики, мустиқликл даврида Ўзбекистонда фотожурналистика нафақат давлат сиёсатини ёритиш, балки инсон ҳуқуқлари, экология, жамиятдаги ноҳақликлар, сиёсий норозилик ва бошқа кўплаб масалаларга қаратилган янги мавзуларда ҳам фаолият юритди. Фотожурналистлар замонавий услублар, креатив ёндашувлар ва турли тармоқларни бирлаштирган ҳолда, жамиятнинг ҳар томонлама тасвирлашга муваффақ бўлди. Собиқ Иттифоқ даврида фотожурналистиканинг асосий вазифаси давлат идеологиясини илгари суриш бўлса, мустиқликл даврида эса бу соҳа эркинлашиб, кенгроқ ижтимоий ва сиёсий мавзуларни ёритишга қаратилди.

Ўзбек фотомухбирлари Равил Альбеков, Рустам Жуманиёзов, Нуъмон Муҳаммаджонов, Комил Ромеев, Содик Маҳкамов, Рустам Шарипов, Владимир Молгачёв, Равил Шамсутдинов, Абдуғани Жумаев каби фотомухбирлар ўз фаолияти давомида катта ижодий мактаб қолдирган дейиш мумкин.

Равил Альбеков “Тонг юлдузи” газетасида салкам 45 йил фаолият юритган. Ундан фотомухбирлик масъулияти ҳақида сўралганда, қуйидагича фикр билдирган эди:

“Сураткашнинг ижоди ҳақида ёзиш осон эмас. Чунки суратни сўзда тасвирлаш қийин. Уни кўриш керак, ҳолос”.

“Ўзбекистон овози” газетаси фотомухбири Владимир Молгачёв ўз ишига ижодий ёндашиши, изланувчанлиги ҳамда ижодида ҳа-

миша инсон ва унинг меҳнатини тасвирлашни биринчи ўринга қўйганлиги билан замондош ҳамкасблари томонидан эътироф этилган.

“Ижодкор бўлишнинг ўзи сураткашга камлик қилади. У ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Шундагина сурат яхши чиқаверади”, — деган у.

Ўзбек фотомухбирлари қаторида яна бир моҳир ижодкор Рустам Шариповнинг ҳам ўрни беқиёс. Рустам Шарипов “Ўзбекистон матбуоти” журнали фотомухбири сифатида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. Унинг қуйидаги сўзлари ҳар қандай замон учун ҳам аҳамиятлидир:

“Сураткаш муҳбирда уч хислат яққол намоён бўлиши керак. Бу — шоирлик табиати, рассом нигоҳи ва журналист иқтидори. Ана шунда олган тасвирларингиз жозибали бўлади”.

Бугунги кунга келиб фотожурналистика журналистиканинг бир кўриниши сифатида ОАВнинг асосий ифода воситасига айланди. Сўнгги йилларда фотожурналистикада тасвирларни яратишда ўзига хос услуб талаб этилмоқда. Фотожурналистлар томонидан тижорат учун тасвирга олинган суратлардан фарқли равишда, ҳолат ва вазиятлардан биригина фототасвир ёрдамида маълумот берувчи, ноодавий ва бетакдор ёндашув оммалашмоқда. Бу каби ёндашувни “Camerablabs”, “The National Geographic”, “Fullpicture”, “Canstockphoto” сингари дунёга машҳур манбалардан жой олган фотосуратларда кўриш мумкин. Фотожурналистлар ижтимоий масалаларга, айниқса, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, экология, коррупция, сиёсат аҳоли яшайдиган ҳудудлар ва бошқа ижтимоий муаммоларга катта эътибор қаратмоқда, жамиятдаги адолатсизлик ва ноҳақликларни очиб бериш орқали ижтимоий ўзгаришларга ёрдам бермоқда.

Ёш фотожурналистлар аёллар ҳуқуқла-

рини, уларнинг жамиятдаги роли ва кундалик ҳаётидаги қийинчиликларни кўрсатадиган туркум фотоларни яратдилар. Бу тасвирлар нафақат аёлларни кўллаб-қувватлаш, балки ижтимоий тенгсизлик ва стереотипларга қарши курашишни мақсад қилган. Мисол тариқасида “Gazeta.uz” сайти фотомухбири Холида Мусурмонованинг бир нечта фотохикояларини келтириш мумкин. У Қашқадарёнинг Ғелон қишлоғи аҳолиси қишни қандай ўтказиши ҳақида фотохикоя тайёрлаган. Ғелонлик ёшларнинг инглиз тилига қизиқиши баландлиги, қишлоқ кутубхонасида инглизча адабиётлар йўқлиги, уларни шу жиҳатдан кўллаб-қувватлаш мумкинлигини билдириб, материалда кутубхона манзили ва телефон рақамини қолдирган. Ушбу фотохикоядан сўнг кўнглилилар томонидан қишлоқ кутубхонаси ва мактабларига китоблар ва спорт жиҳозлари етказилган.

Айтиш керакики, замонавий ўзбек фотожурналистикасининг ривожланишида фоторассом Хусниддин Атонинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусниддин Ато фотогаф, документалист, фотожурналистикага ихтисослашган Ўзбекистондаги илк нодавлат агентлик — “PressPhoto.uz” асосчиси бўлиб, унинг ҳаваскор, ёш журналистлар ҳамда жисмоний имконияти чекланганлар учун фотография бўйича ўқув курслари, кўргазмалар ташкил этаётганини алоҳида таъкидлаш керак. У илк бор эшитишда нуксонли бўлган ёшлар учун мўлжалланган махсус фотография курсини очганди. Ушундан 10 га яқин ёшлар 1,5 йил мобайнида Хусниддин Атодан ўрганиб, суратлари курс охирида Тошкент Фотосуратлар уйида кўргазмага ҳам қўйилган. Хусниддин Ато ёш ижодкорларга ўзининг билим ва тажрибасини ўргатиш, уларни кўллаб-қувватлаш ва янги услублар билан таништириш учун кўплаб ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Унинг ташаббуси

билан ташкил этилган курслар ва тренинглари, айниқса, фотожурналистикага қизиққан ёшлар учун муҳим ўқув майдониغا айланган.

Шу билан бирга, бугунги кунда Умида Аҳмедова, Виктор Ан, Анвар Илёсов, Элёр Неъмат, Бехзод Болтаев ва Мухиддин Али, Евгений Сорочин, Мадина Аъзам каби фотожурналистларни ўзбек фотожурналистикасининг ёрқин намоёндаси сифатида тилга олиш мумкин. Айтиллик, нафақат юртимизда, балки халқаро майдонларда фаолият юритаётган Мадина Аъзам ўзининг ижтимоий, маданий ва табиатга оид фотосуратлари билан танилган. Унинг иши кўпинча инсоний тажрибалар, ҳаётдаги кичик воқеалар ва жамиятдаги муҳим масалаларни тасвирлашга қаратилди. Мадина Аъзамнинг суратларида кўпинча одамлар ва уларнинг ҳиссий ҳолати акс этади. Шунингдек, унинг ишларида визуал хикоялар яратиш, воқеаларни тасвир орқали изоҳлашга қаратилган ёндашув яққол сезилади. Шу боис, унинг фотосуратлари кўпинча ранглар, композиция ва деталга бўлган катта эътибор билан ажралиб туради.

Ёш фотожурналистларнинг ишида нафақат маълумот, балки санъат ва жамиятдаги ўзгаришларни акс эттиришга интилишни, технологик тараққиёт, креатив ёндашувлар, ижтимоий масалаларга эътибор ва сиёсий ишонччи шакллантиришни кузатиш мумкин. Улар ўз тасвирлари билан нафақат жамиятни ҳужжатлаштириш, балки глобал тенденцияларга жавоб бериш ва янги фикрларни илгари суришга ҳаракат қилмоқдалар.

Дилобар ЙЎЛДОШЕВА,
тадқиқотчи.

Суратлар “Ўзрхив” агентлигининг расмий телеграм каналидан, шунингдек, фотомухбирлар Рустам Шарипов, Холида Мусулмонова ва Мадина Аъзамнинг шахсий телеграм каналидан олинди.



УЛУҒ ҲАЗРАТНИ АНГЛАМОҚ УЧУН...

1-6

Улуғ ҳазрат асарларининг асл моҳияти ва аҳамиятини чуқур, барча тафсилотлари билан ёри-тиб бериш имконияти кейинги чо-рак асрдан кўпроқ вақт давомида юзага келди. Айнан ана шу давр илмининг самараси ўтган юз йил даво-мида қилинган меҳнат самарасидан кучлироқ бўлди. Бунинг сабаби ҳаммага аён — ҳар сатрида улуғ ҳаз-ратнинг пок эътиқодлари акс этиб турган ижодиёт-лари мафқуравий тушовларсиз, ҳолис ўрганилди. Икки давр навоийшунослиги ривожни навоийсевар-лар қалбида чуқур ифтихор туйғуларини уйғотди. Қониқиш ҳиссини ҳамми, дея савол қўйдингиз...

Саволингизга савол билан жавоб берсам: қуёш нуридан, тафтидан ким тўйибди?! Сув таровати-дан-чи?! Гул ифорида-чи?! Улуғ ҳазратнинг умум-башарий ижодиётлари мазмуни, илмий-бадийий та-факкурлари мағзини қақиб ўрганиш йўли жуда кенг, жуда узун. Навоийшунослик фани олдида ҳали тадқиқ этилиши лозим бўлган қатор масалалар ту-рибди: улуғ шоир қўлёзма ва тошбосма асарлари манбалари имкон даражасида тўла йиғилмоғи ло-зим, хусусан, Самарқандда яратилган “Саъъату аб-хур” номли луғатларининг янги манбалари топилиб, нашр этирилмоғи лозим. Улуғ шоир маснавийлари, соқийномалари, форсий тилдаги қасидалари бир-икки илмий иш доирасида қолиб кетмай, кенгроқ тадқиқ этилаверса, нур устига нур бўлади. Улуғ ҳаз-ратнинг ижтимоий фаолиятлари янги нуқтаи назар-дан, замондошлари билан муносабатлари, ижодий мактаблари, асарларининг таржималари янги ёш кучлар томонидан ўрганилса, навоийшунослик фани яна янги мазмун-моҳият, аҳамият касб этиши мум-кин, деб ўйлайман.

— “Навоийга етмоқ учун яна беш юз йил юр-моқ керак”, деган экан шоирларимиздан бири. Шу фикрга қандай қарайсиз?

— Ижобий қарайман. Аммо масофани янада узоқ-роқ қўйиш керак, деб ўйлайман. Улуғ ҳазратни англа-моқ учун улуғ ҳазрат эътибор қаратган барча мавзу ва масалаларни ўрганимоқ лозим. Масалан, ҳазрат Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” ва “Тарихи ан-биё ва ҳукамо” номли тарихий асарлари бор. Ҳазрат тафсилотли Одам алайҳиссалом яратилиши тари-хидан бошлайдилар. Ўқувчида: “Навоий бу тарихни қайси асарларни кўриб ёзди экан?” деган савол туғи-лади. Саволнинг жавобини топиш учун эса 500 йил-лик масофани ўтиш камлик қилади.

— Сизнингча, улуғ шоир ижодини оммалаш-тириш учун нималарга эътибор бермоқ лозим?

— Улуғ ҳазрат ижодиётларига ҳаётимиздаги ҳар бир масала ечимида эҳтиёжimiz борлигини ёш ав-лод англамоғи лозим. Талабни эҳтиёж туғдиради. Масалан, ҳозирги ёш авлод ўзини анча эркин ҳис қи-лади, дунё кезиш, хорижга чиқиш истаги жуда кучли. Аммо ҳазрат Навоийнинг қитъаларини қўлларига ол-салар, ҳазрат уларни оғоҳлантиради:

Қушқа юнг маскан аро хушроқдур озодлик,
Бўлгонидин банд аро сайёб ипак оми бил.

Яъни овчининг ипак тўрларидан бўлган қафасида ўтиргандан кўра, ўзининг тиканлардан бўлган уя-сида ўтирган қуш озоддир. Ёки:

Заҳрни ўз коми бирла ичса андин яхшиким,
Ичса ҳайвон шарбатин номлик жом бил.

Ихтиёрсиз, бировнинг қўли билан “ҳайвон шар-баги”, яъни абадий тириклик сувини ичгандан кўра, ўз қўли билан оғу ичгани афзалроқдир.

Сир эмас, ҳозирги кунда қизларимиз тарбиясига каттароқ эътибор беришимизга тўғри келмоқда. Баъ-зан қизчаларимиз ҳаё чегараларини англамай, ота-ларига, акаларига ҳиссиётлари ҳақида очик гапир-



ганлари қулоққа чалинади. Шундай шароитда ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида малика Ширин тилидан айтган сўзлари шу дарднинг давоси бўлади:

Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

Оммалаштириш — ҳаётимиз учун зарур пайтда улуғ ҳазрат панд-ўғитларини, ҳикматларини тили-миздан туширмаслик, ёшларимизни ҳам шунга одат қилдирмоғимиз лозимлигидир.

— Академик Воҳид Абдуллаевдан сўнг ҳаз-рат Навоийнинг Самарқандда бўлишини яна би-рор олим ўргандими? Бу ҳақда янги маълумот-лар борми?

— Устоз Воҳид Абдуллаевдан сўнг ҳазрат Навоий-нинг Самарқандга сафарлари ҳақида академик Бо-тирхон Валихўжаев ўтган аср 90-йилларининг бош-ларида “Мулоқот” журналида бир мақола эълон қил-ган эдилар. Бу мақолада устоз Самарқандга сафар қилган икки толиби илм — Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳақида сўзлаб, уларнинг Ҳиротдан Самарқандга, Самарқанддан Ҳиротга қадар бўлган қарвон йўлларида учрашган бўлишлари мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларини баён этган эдилар. Шу-нингдек, устоз Ботирхон домла Алишер Навоийнинг самарқандлик йирик фақиҳ, тилшунос олим, тиб-биёт билимдони Хожа Фазлulloҳ Абуллайс ас-Са-марқандий билан мулоқотлари, тахсил, фақиҳ хо-надони, ажодлари тарихи ва авлодининг Навоий ҳазратларига нисбатан бўлган эҳтироми ҳақида ба-тафсил маълумот берувчи мақолаларини ёзганлар. Устозлари Воҳид Абдуллаев берган маълумотларни тўлдирар эканлар, Ботирхон домла Навоийнинг са-марқандлик буюк маънавий муршид Хожа Ахрори Валий билан учрашувлари, ота-боладек қайноқ му-носабатлари, узоқ давом этган мулоқотлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни берганлар. Бу мав-зуда бошқа янги маълумотларни билмайман. Ба-дийий адабиётда бир янги асар яратилди. Бу Иқбол Мирзанинг “Самарқанд сайқали” номли драмасидир. Албатта, бу илмий эмас, бадийий асар, унда бадиият талабларига риоя қилинган.

— Улуғ шоир ижоди ҳақида кўпроқ мутафак-ир таваллуф топган 9 февраль санаси атро-фида гапирлиши ғалатироқ эмасми?
— “Ғалат” дегани — хато дегани. Тўғри айтдингиз,

бундай қилиш хато, ҳузуримизда турган ҳикмат хази-насидан бебаҳра бўлиб яшаш — хато, мақолларга, ҳикматли сўзларга айланиб кетган панд-ўғитларни нутиб юбормоқ — катта хато. Аммо ҳазрат ўзлари айтганларидек: “Чу бу ойин эрур давронга махсус...”. Яъни ҳозир давримиз — техника даври, янги-янги яратилмалар, технологиялар даври. Ёшларимиз-нинг қизиқишлари кўпроқ компьютер, интернет каби замонавий ахборот воситалари билан банд. Шеъ-рийат эса романтизм даври махсуси. Улуғ ҳазрат шу замонда, бизнинг давримизда яшаганларида, шубҳа йўқ, асарларини романтик дostonлар сифа-тида эмас, насрда, замонавий илмий услубда ёзган бўлар эдилар. Аммо бу дегани асло Навоий ўз да-врида қолиб кетди, дегани эмас. Барча даврлар учун долзарб бўлган инсон муаммоларини кўтариб чиқ-дим, демак, бу ижодиёт умрбоқий, муаммолар ечи-мини кўрсатиб бердим, демак, бу ижодиёт умумба-шарий! Масала шундаки, биз катта авлод ёшларга ақли, онги, шуури, қизиқишлари техника билан банд бўлса-да, жисмидаги энг мўъжаз қароргоҳ — қалби ҳеч қачон темир каби қотиб, ғариблашиб қолмаслиги лозимлигини ҳар дақиқа ўқтирмоғимиз лозим. Улуғ ҳазрат асарларини ўқиб бермоқ, ўқитмоқ билан қалб кўрларимиз — фарзандларимизнинг инсоний қиёфалари, пок фитратларига нуқсон етмаслигига интиломоғимиз лозим. Ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа.

— Қаршида Абдулла Орипов мактаби, Фарго-нада Эркин Воҳидов мактаби, Андижонда Му-ҳаммад Юсуф мактаби, Гулистонда Ҳалима Ху-доӣбердиева мактаби бор. Нимага Самарқандда Алишер Навоий ижод мактабини ташкил қилиш мумкин эмас? Шу ҳақдаё фикрингиз.

— Тоғ ҳақида тоғ улуғворлиги, шукуҳига муносиб тарзда сўзланса ярашади, тепа ҳақида — тепага му-носиб! Ҳозир сизнинг саволларингизга жавоб беряп-ман-у, вуқудимда катта масъулият ҳиссидан ҳая-жон, қалбимда ҳадик мавжуд. Чунки биз сиз билан оддий бир иқдор шахс ҳақида эмас, бутун жа-ҳонни сўзи билан забт этган Буюк Шахсият ҳақида гапирмоқдими! Самарқандда зарқалам аҳли бошқа шаҳарларга нисбатан кўпроқ ўтган. Ҳар бирларининг ижод мактабларини ташкил этса ярашади.

Алишер Навоий ҳазратларига келсак, Туркия жум-хуриятида Мавлоно Ҳалолдиддин Румий ижодини тадқиқ этиш марказлари, институтлари, Германияда Гёте ижодиётини ўрганиш илмий-текишириш инсти-тути каби яна мен билмаган шундай нуфузли ил-мий даргоҳлар муқобилида Самарқандда Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий илмий-ижодий ме-росини ўрганиш илмий-тадқиқот институти ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Чунки бундай ишни амалга ошириш учун Самар-қандда илмий муҳит, ёш, ғайратли тадқиқотчилар гу-руҳи мавжуд.

— Ҳазрат Навоий бобомиз ҳақида яна нима-лар дея оласиз?

— Мен оддий бир тадқиқотчи нима ҳам дея олар-дим?! Ҳозир кўнглимда улуғ ҳазратнинг: “Билгил ўз ҳаддингни-ю, беҳад риоят қил адаб”, деган сўзла-рини тақорлаб турибман. Улуғ ҳазрат авлиё бўлма-салар, Ҳақ таоло умрларига, илмларига барака ато этиб, шу кунларга қадар номларини шарафлаб, раҳ-мат нурларини ёғдириб қўярмиди?! Ҳақ таоло биз-ларни ақл неъматидан баҳраманд этиб, буюк бобо-калонимиз ижодиётларини ул зоти олийнинг шаъну шавкатларига муносиб тарзда ўрганишимизни, элга ёйишимизни насиб айласин!

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Ёрмамат РҲТАМОВ суҳбатлашди.

ХОРИЖ



МАЛАЙЗИЯ ҚАНДАЙ МАМЛАКАТ?

Маълумки, айни кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев рас-мий таширф билан Малайзияда бўлиб турибди. Таширф доирасида Куала-Лумпур шаҳрида олий даражадаги музокаралар, қатор ишби-лармонлик учрашувлари ва маданий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Қуйида Малайзия ҳақида баъзи маълумотларни тақдим этишни лозим топдим.

Малайзия Жануби-шарқий Осиёдаги давлат бўлиб, ҳудудини Жанубий Хитой денгизи иккига ажратиб туради: Ғарбий Малайзия (Малайя) Малакка ярим оролининг жанубида, Шарқий Малайзия Калимантан оролининг ши-молий қисмида жойлашган. Майдони 332,8 минг км². Аҳолиси 33 млн дан ошиқ. Пойтахти — Куала-Лумпур шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 13 штат ва 2 федерал ҳудудга бўлинади.

Малайзия — Осиёнинг энг кўп миллатли мамлакати ҳисобланади. Мам-лакатнинг фақатгина 50 фоизи туб аҳоли — малайзияликлардир. Қолган 50 фоизининг 23 фоизини хитойликлар, 7 фоизини ҳиндлар, қолганини эса майда миллатлар ташкил этади. Малайзия халқи расман ислом динига эъ-тиқод қилади. Аҳолининг 61 фоизи мусулмонлар бўлиб, қолганлари насрон-ий, будда ва индуизм динига мансубдир.

Малайзия 1963 йилдан БМТ аъзоси. 1992 йил 1 январда Ўзбекистон би-лан дипломатик муносабатлар ўрнатган.

Мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи каучук ишлаб чиқариш-дир. Хорижга каучук, пальма ёғи, қалай экспорт қилишда дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Бундан ташқари, четга нефть, микросхемалар ва электротехника буюмлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт воситалари (жумладан, автомобиль), резина ва тўқимачилик маҳсулот-лари, пойабзал, кийим-кечак сотади; четдан машина ускуналари, саноат ва оптика жиҳозлари, транспорт воситалари, станоклар, озиқ-овқат сотиб олади.

Малайзия экватор минтақасида жойлашган. Иқлими ҳам шунга хос.

МАЛАЙЗИЯ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

* Дунёнинг энг катта гули бўлган раффлезия Малайзиянинг энг машҳур ўсимлиги ҳисобланади ва унинг диаметри бир метрдан каттадир. У гул-лаётганда ўзидан жудаям сассиқ ҳид таратганлиги туфайли “жасад гули” но-мини олган.



* Ислom динига эътиқод қилувчи Малайзия ҳукумати итни энг нопок жо-нивор деб ҳисоблайди ва у билан ўйнашган одамга ўлим жазоси берилади.

* Малайзияда “мевалар подшоҳи” ҳисобланган дуриан ўсади. Аммо “мевалар подшоҳи”нинг ҳиди шу қадар бадбўйки, аксарият меҳмонхона-лар таширф буюрувчиларга уни ўзлари билан олиб келишни тақиқлаб қўйган.



* Малайзия дунёнинг энг бюджети зўр авиакомпанияли мамлакати ҳисоб-ланади. “AirAsia” авиакомпаниясининг қизил-оқ рангли самолётлари Осиё-нинг 20 дан ортиқ мамлакатларига парвозни амалга оширади. Бундай пар-возга, орқага қайтишни ҳисобга олганда, 100 доллар маблағ сарфланади. Бу ердан узоқ мамлакатларга — Ҳиндистонга, Саудия Арабистонига ва Австралияга ҳам учиб мумкин.

* Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда дунёдаги энг баланд осмонўпар икки бино жойлашган. 1998 йилда барпо этилган, дунёнинг энг баланд имо-рати Петронас миноралари жуфт ҳолда бўлиб, баландлиги 51,9 метрни ташкил этади.

* Бугун Малайзия таълимга жуда катта эътибор бераётган давлатлар-дан биридир. Мамлакатдаги кўплаб олий таълим муассасалари алла-қачон дунёдаги энг илгор ўқув юртларидан бирига айланган. Шунингдек, жаҳоннинг қатор давлатларида Малайзия олий таълим ўчоқлари фаолият юритади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам Малайзиянинг “INTI International Universities and Colleges” дорилфунунининг филиали очилган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

ТАБАИТ ТИЛСИМЛАРИ

СОҲИБЖАМОЛ СЕКВОЙЯ

ер юзидаги энг қадимий, улкан дарахт

АҚШнинг Сьерра Невада тоғларидаги ўзгача, мафтункор олам сасини чиқармай сукут сақлайди. Қуёшнинг ўткир шуъласидан ям-яшил барглр ол-тиндек товланади. Қуёш нуридан кўзим қисилиб, ён-атрофга кўз қиримни ташладим. Қаршимда ма-ҳобатли тоғ салобат билан турибди. Пастдаги чуқур сойлиқдан тип-тиник сув оқиб ўтади. Сойга тегай деб турган улкан дарахт шоҳлари енгилгина ўйноқлайди. Яшнаб мағрур қад қериб турган секвойяга боқа-ман.

Таърифини келтираётган секвойя ер юзидаги энг қадимий дарахтлардан бири экан. Секвойянинг ба-ландлиги бир юз ўн беш метрга етади. Тошлар уюми орасидаги чуқурлар, худди кўмирдек қорайган тош пойдевор ҳайратлани қачондир бу ерда одамлар яшагандан дарак беради. Майсазор устида кўн-даланг ётган кунда устига бургансимон қуш келиб кўнди.

Англашимча, Сьерра Невада тоғлари, (Шимолий Америка)нинг ғарбий ёнбағриларида илдиз отаيدиган улкан секвойя дарахти тўғрисида ажабтовур нарсаларни билиб олдим.

Ерликлар секвойяни “яшил динозавр” деб атар экан. Динозаврлар бу дарахт билан замондош сана-лад. Шоир Аъзамжон Обидовнинг секвойяга атал-ган шеъри ёдга тушди:

Чор-атрофингиз яшил ва жамил,
Шурунчага ботмайди қоя.
Руҳ-жонингда тантана, сайил,
Мезбонинг хув дилбар секвойя...
Шаршара нур кўк ёриғида,
Мунча ёниқ октошлар баҳси?
Қулиб қўяр шамс мийғида,
Қўлда эрклик, тириклик акси.
Уруғини дилга қадамим,
Зўр илҳом-ла этадирман тарк,
Сендай ўссам бўлурми, қадим
Соҳибжамол Ёсемити парк?
Ҳавонинг авзойи узгарди. Осмонни қора булутлар



қоплади. Момақалдироқ гумбурлади. Айни лаҳзада қақмоқнинг чўғдек олови қалин ўрмонзорга тушди. Қуруқ, зич ўсган ям-яшил дарахтлар чирсиллаб ёна бошлади. Ёнгини ўчиришининг, бартараф этишининг имкони бўлмади. Фақатгина олов домидан секвойя дарахтлари омон қолди. Ёнғин секвойялар учун фойда келтиради. Бошқа дарахтлар бўлмагач, у барча озуқани ўзига олиб, кўкка қараб талпина бош-лайди.

Секвойя Американинг ифтихори, барчанинг ардо-ғида ва ҳимоясидадир.

Сьерра Невада тоғлари денгиз сатҳидан хийла-гина юксакда ястанган, қарор топган. Унинг ўнгир-

лари, қоялари, сайхонликлари, очик майдонлари, хувиллаб ётган кенгликлари, ботиклари яшиллик би-лан қопланган — унда доимо шамоллар ҳўштак ча-лади, бўронлар қўтуради. Аммо Америка сафари чоғида Сьерра Невада тоғларида бўлганимда, ҳам-мадан кўпроқ ва ёрқинроқ таассурот қолдиргани — улкан секвойя дарахти бўлди. Билишимизча, бу да-рахт чиримас экан. Тадиқотлар натижасида унинг қолдиғи икки минг беш юз ёшдан сўнггина чирий бошлаши ва йўқлик сари йўл олиши аён бўлди.

Одамлар ҳозирда секвойянинг танасидан, ил-дизи, шох-шаббаларидан ҳам фойдаланишади. Уни асло чикитга чиқармайдилар.

— Секвойя — улкан, баҳайбат тоғу тошлар билан ўралган маконда аконинг тўхумидан ноёб бир яра-тик, — дея унинг ёнига келди новчадан келган ҳинду.

— Тўғри айтасан, — дея унинг гапини қувватлади шериги.

Ҳиндулар “яшил дўст”ларни бошқалардан кўра яхшироқ биладилар. Улар ўзларининг оналари каби ардоқлайдиган дарахтлари билан фахрланишади.

Кўхна, умри узоқ дарахтлар...

Ҳиндуларнинг табиатга бундай меҳр-оқибатини эшитиб ҳайратландим.

Унинг синдирилган шох-шаббаси учун айбдор жиноятчи сифатида жавабгарликка тортилади. Та-биат, дов-дарахтлар оёқ ости қилинишга қонун йўл бермайди. Ер юзи, бутун табиат, ҳайвоноту наботот олами дарахтлар сабаб тирик, боқийдир.

Ёсемити миллий паркидаги аскарлардек саф то-риб тизилган дарахтлар басма-басига шамолда эги-лар, силкиниб, салом бергандек бўларди. Уларга: “Яхши қол, дўстим, қадрдоним! Мен сени яхши кў-риб қолдим”, дедим. Улар эса менинг гапларимни ту-шунгандек, шоҳларини хийл пастга эгганча бошдан-оёқ таъзим қилишни, ўзларича алланарсалар деб пичирлашарди...

Улугбек ЖУМАЕВ, журналист.

ЭЛ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

Академик Назар Тўраевни илм ахли яхши билади. Эсимда, Назар акадан бир гал илмий фаолиятининг мазмунини сўрадим. Олим водород атомларини парчалаш учун зарур бўладиган юқори даражадаги иссиқликда сиртнинг емирилишини қандай қилиб камайтириш муаммолари устидаги тадқиқотларини шогирдлари ҳамроҳлигида давом эттираётганини айтди.

“Агар ижтимоий тараққиёт ҳозиргидай суръатлар билан давом этаверса, яна 50-60 йилдан сўнг инсоният ер юзидagi ва ер остидаги ёқиш мумкин бўлган ҳамма нарсани тугатиб битирган. Ана ўшанда инсониятнинг энергияга бўлган эҳтиёжи қандай ҳал этилади? Қандай қилиб? Бу ёқда ҳам мумкин бўлган ўтин ҳам, кўмир ҳам, газ ҳам тугайди... Ушанда одамларда сувнинг таркибидagi водород атомини парчалашдан бошқа илож қолмайди. Дунёдаги барча денгиз, уммонлардаги сувнинг водород атомини эса ҳавода парчалаб бўлмайди. Бунинг устига, унинг парчаланиши учун жуда юқори даражада иссиқлик керак. Биз ҳозир водород парчаланаятган, тўғрироғи, портлаётган макон деворининг емирилиши даражасини камайтириш муаммоларини тадқиқ қилаёلمиз”, деди Назар ака қуюнчақлик билан.

Ушанда Назар Тўраев баён этган фикрлар мағзини очиги, тўлиқ тушунмаган бўлсам-да, олим илгари сурган ғоялар тафсилотларини кўз олдимга келтириб хайратга тушганман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган буюк олимлардан бири Назар Йўлдошев вич Тўраев эди. Унинг физика соҳасидаги тадқиқотлари, илмий раҳбарлиги ва ижтимоий фаолияти мамлакатимиз ҳаётида ўчмас из қолдирди.

Нафақат Сурхон ахли, балки бутун Ўзбекистон халқи яхши танийдиган, қолаверса, дунё ҳамжамиятига маълуму машҳур бўлган Назар Йўлдошев вич Тўраев Сурхон диёрининг энг гўзал масканларидан бири Денов туманидаги “Ғалаба” деб номланувчи ҳўжалигининг Чўқур қишлоғида таваллуд топди. Унинг ота-боболари ҳам мана шу қишлоққа келиб кўним топиб, шу масканни гуллаб-йашнатган, унинг кенгайиб, доврқ таратиб кетишига сабабчи бўлганлардан эди.

Назар Тўраев 1938 йилнинг 19 май куни ишчи оиласида таваллуд топди, 1945-1955 йилларда Денов туманидаги Алишер Навоий номида 24-мактабда ўқиди ва уни олтин медал билан тамомлади. Энди мактабни битирган ўсимир йигит бўлса-да, 1955-56 ўқув йилида ўз мактабида математика фанидан дарс берди. 1956 йилда Самарканд давлат университетини физика бўлимига ўқишга кирди. 1961 йилда университетни аъло баҳоларга би-

тирганлиги сабабли, уни ўша даврининг машҳур олими, академик У.Орипов Ядро физикаси институтига илмий ходимликка тақлиф этди. 1964-67 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси аспирантурасига ўқишга кирди. У аспирантурада қаттиқ жисмлар сиртида ўртача кучдаги атомларнинг тарқалиш назарияси муаммолари билан шўғулланди. Академик У.Ориповнинг бевосита илмий раҳбарлигида 1968 йилда Ядро физикаси институтида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Шундан кейин 1968 йили Электроника институтига илмий котиб-ликка ишга тақлиф этилди. 1972 йилдан шу институтда лаборатория мудири бўлиб ишлади.

Назар Тўраев атомлар ва ионларнинг қаттиқ жисм сиртларида сочи-

тўқнашувларнинг мумкин бўлган соҳаларини аниқлаш, уларнинг сиртки бомбардимон қилаётган заррачаларнинг энергияси, массаси, тезлиги, зарида ва бошқа хоссаларига боғлиқлиги асосида жисм сиртларини анализ қилиш қулайлиги тасдиқланди. Қаттиқ жисмларни жуда кичик бурнақлар остида атомларнинг қатори деб қараб, ана шундай атом қаторларида сочилган ионлар ёки атомларнинг энергетик тақсимланиш қонуниятларида монокристалли жисмлар тузилишлари тўғрисида муҳим информациялар мавжудлиги кашф этилди. Бу жаҳон илмий адабиётида “Тўраевнинг атом қатори эффекти” деб аталди.

Кейинчалик бир-бири билан узвий боғланиб қолган атомлар қаторларидан ташкил топган ярим каналлар мавжудлиги ва бундай ярим каналларда ионларнинг ҳаракати ҳамда сочилиши назарияси яратилди. Қаттиқ жисм сиртларининг табиий, реал ст-

техника институтининг физик электро-ника кафедрасини бошқарди.

1983 йилга келиб, Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби Ш.Рашидов тавсияси билан Сурхондарё вилоятида ўша вақтда ягона бўлган Термиз давлат педагогика (ҳозирги ТерДУ) институтига ректор этиб тайинланди. Мана шу сабабли ҳам Назар Йўлдошев вич устоз деган шарафли номнинг ҳақиқий эгаларидан бирига айланди. Нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида устоздан таълим олган ўзлаб, минглаб олимлар, педагог кадрлар борки, улар Назар Тўраев билан ҳамнафас, ҳаммаслак бўлганлари билан фахрланадилар.

Назар Тўраевнинг бевосита раҳбарлигида 3 нафар фан доктори ва 12 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Унинг раҳбарлигида 1972 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида ион усуллари билан ма-

К.Лейман (1979), Н.Петров ва И.А.Бороян (1987), М.Рязанов ва И.Тилининг (1985) каби йирик олимларнинг монографияларида ўзбек олимнинг илм-фан йўлидаги изланиш натижалари қайд этилган.

Назар Тўраев атом ва ионларнинг қаттиқ жисм билан ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган атом сочилиши, атомларнинг сиртга кириш ва тақсимоти, сирт емирилиши муаммолари билан бир қаторда жаҳон фанининг энг муҳим муаммоларида бири бўлган юқори температурали ўта ўтказувчан материалларни яратиш на уларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикаси учун муҳим ҳисобланган физика фани ютуқларини қишлоқ ҳўжалигига татбиқ этиш, табиатни муҳофаза қилиш ва экология билан чамбарчас боғлиқ соҳаларда ҳам катта ишларни бажарди, бу ишлар ўзининг салмоқли натижаларини бериб келмоқда.



ТАНИҚЛИ ОЛИМНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Деновда академик Назар ТЎРАЕВ уй-музейи ташкил этилади

лиши назариясини яратди. Қаттиқ жисмлар сиртлари, жуда юлқа эпатак-сиал қатламларнинг структураларини ва элемент тузилишларини анализ қилиш ва олдиндан айтиб беришининг имконини топди. Яъни, қаттиқ жисмлар, айтилик, темирнинг сиртидаги молекуляр зарралар, атомларни ўрганиш, уларни илмий жойлаштириш эвазига унинг қаттиқлиги ва чидамлилигини мисли қўрилмаган даражада кучайтириш имконини яратди. Натижада жуда қаттиқ сиртга эга бўлган жисмлар, мисол учун космосга учадиган аппаратларда ва ҳарбий соҳада ишлатиладиган жисмлар яратиш борасида оламшумул силжиш содир бўлди. Айниқса, поликристалл ва монокристалларнинг сиртида атом ва ионларнинг сочилиши қонуниятларини, сирт билан боғлиқ бўлган махсус хусусиятларни аниқлади ва қатор янги муҳим эффектларни очиб бердики, кейинчалик бу эффектлар жаҳоннинг юзлаб илмий лабораторияларидаги тажрибаларда ўз тасдиғини топди. Бу билан қаттиқ жисмлар сиртлари, жуда юлқа эпатак-сиал қатламларнинг структураларини ва элемент тузилишларини анализ қилиш ва олдиндан айтиб беришининг назарияси яратилди. Атомларнинг бир тўқнашув ва иккиламчи тўқнашуви натижасида сочилиши, бу

руктураларини тасвирлаш, вакансия, дивакансия, вакансиялар тўплами, узлуқли атом қаторлари, атомлар тўплами, атом қаторлари зинаполари каби жуда кўлаб структура бўзилишларининг мавжудликлари ҳам сочилишнинг энергетик бурчалли фазовий тақсимот қонунларида ўз аксини топди. Илмий тадқиқотлар натижа-сида олинган назарий натижалар ва ҳўлосаларнинг умумлаштирилиши докторлик диссертациясининг асосини ташкил қилди. Шу тариқа Н.Тўраев 1980 йили Украина Фанлар академияси Физика институтида доктор-лик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олимнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланган барча илмий ҳўлосалари Москва давлат университети, Москва физика-техника институти, Курчатов номидаги атом энергияси институти, Ленинград давлат университети, Ленинград политехника институти, Мюнхен плазма физикаси институти, Краков университети, Гронинген университети, Донецк давлат университети каби кўлаб илмий муассасалар олимлари тажрибаларида ўз тасдиғини топди. Бу эса Назар Тўраевнинг улар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқотларни олиб боришига сабаб бўлди.

Истеъдодли олим Назар Тўраев 1977-1983 йилларда Тошкент поли-

торияси, 1978-83 йилларда Тошкент политехника институтида материалларни масс-спектрометрия усулида ўрганиш лабораторияси, 1984 йилдан бошлаб Термиз давлат университетида бир нечта илмий лаборатория, жумладан, лазер билан қишлоқ ҳўжалиқ экинлари уруғларини нурлантириш лабораториялари ташкил этилди. Шулардан 2 та лазер қўрилмаси бевосита дала шароитида Сурхондарёдаги бир қанча ҳўжалиқлар деҳқончилигида ҳозиргача самарали қўлланилмоқда.

Термиз давлат университетининг ташкил этилиши, унда ўнлаб янги мутахассислар, 30 дан ортиқ янги кафедралар, 10 та янги факультет, 4 та илмий проблематик лабораториялар очилиши Назар Тўраевнинг бевосита хизмати, ташаббуси тўғрйли эди. Университетда устоз раҳбарлигида 24 нафар фан доктори, 150 нафар фан номзоди тайёрланди ва улар бугунги кунда 48 та кафедра, 4 та илмий лабораторияда муваффақият билан фаолият олиб боришмоқда.

Академик Н.Тўраевнинг илмий ишлари жуда кўлаб чет эл олимлари асарларида ўз аксини топиб, жаҳон илмий хазинасидан мнўсоби ўрин эгаллади. Профессор Л.Добрецов ва М.Гомоюнова (1966), Г.Картер ва Ж.Коллигон (1968), У.Орипов (1968), В.Молчанов ва Е.Машкова (1980),

Масалан, машҳур Мессбауэр усули ва қаттиқ жисмлар физикасининг бошқа замонавий усулларини қўлаб юқори температурали ўта ўтказувчан материаллар хусусиятига хос бўлган материаллар олинди ва уларнинг ичида бегона атомлар ҳўлатлари ва эффектив зарядлари ўрганилди. Бундай материал яратишининг истиқболли йўналишлари аниқланди.

Таниқли олимга 1988 йили Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби унвони берилди. 1989 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, 1995 йилда ЮНЕСКО қошидаги Халқаро информатизациялаш академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. 1990-95 йиллар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутати, бир неча марта Сурхондарё вилояти ва Термиз шаҳар Кенгашларининг депутатлигига сайланди. 1994 йилда унинг ташаббуси ва раҳбарлигида Термиз маънавий академияси тузилди ва вилоят раҳбар ходимларига маданий, маиший, тарихий меросимизни ўргатишда, урф-одатлар, анъаналарни тарғиб қилишда катта вазифани бажармоқда.

Назар Тўраев истеъдодли олим, кашфиётчи, ғамхўр устоз, тажрибали раҳбар, ташкилотчи жамоат арбоби бўлиши билан бир вақтда оилапарвар инсон эди. Билимга муккасидан кетган

оддий аспирантнинг академик даражасига эришишида шўбҳасизки, у кишининг турмуш ўртоғи Розия оланинг хизмати беқийсдир. Улар узоқ ва бахтли умр кечиришди. Ҳаётдаги жамики қийинчиликлар, турмушда бўладиган турфа қийинчиликларни биригаликда мардонавор енгиб, қариндош-уруғлар, таниш-билиш ва шоғирдлар учун қалби ва дастурхони доимо очик оила сифатида танилдилар. Уч ўғил, уч қиз фарзандни тарбиялаб, жамиятимизга муносиб ворислар етказиб беришди. Бош фарзандлари Эркин Тўраев Тошкент политехника институтини тугатган бўлса-да, ҳарбий соҳада меҳнат қилди. Қизи Наргиза Тўраева Тошкент табибёт институтини тугаллаб, табибёт фанлари номзоди бўлди. Бугунги кунда Тошкент педиатрия институтида кафедра мудири сифатида фаолият юритмоқда. Ўғиллари Темур ва Ўткир иқтисодиёт дорилфунунини тугатишди. Улар ҳам ҳаётда ўз ўринларига эга инсонлар бўлиб камолга етдилар.

Назар Тўраев 1988 йилда “Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби” унвони билан тақдирланди. 2000 йилдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

1998 йилда Назар Тўраев “Меҳнат шўҳрати” ордени билан тақдирланди. Бу мукофот олимнинг мамлакат ривожига қўшган улкан ҳиссасининг яна бир бор эътироф этилиши десак хато бўлмайди. Олимнинг бутун ҳаёти илм-фан ва таълим соҳасига бағишланган бўлиб, унинг хизматлари нафақат ўзбек халқининг, балки, юқорида таъкидланганимиздек, халқаро илмий ҳам-жамиятнинг ҳам эътирофига сазовор бўлди.

Академик Назар Тўраев 2023 йил 3 октябрда 85 ёшида вафот этди. Олимнинг номи ҳамиша Ўзбекистон илм-фани ва таълим тизимида катта ҳурмат билан тилига олинади.

Таниқли олим хотирасини абадийлаштириш, ёш авлодни Назар Тўраев илмий мероси ва ҳаёт йўлидан хабардор этиш мақсадида яқинда Денов туман ҳокими “Назар Тўраев уй-музейини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

Машҳур олимнинг ҳаёти ва фаолияти ўзбек илм-фани тарихида олтин ҳарфлар билан ёзилган, илм-фан соҳасидаги тадқиқотлари, илмий раҳбарлиги ва педагогик фаолияти қўлаб ёш олимлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Олим нафақат ўзининг илмий ишлари, балки жамият учун қилган хизматлари билан ҳам эъзозга сазовор.

Тоштемир ТУРДНЕВ,
Маънавият-маърифат маркази
Денов туман бўлими раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими.

ИБРАТЛИ УМРЛАР

Яқинда қишлоғимизда бир қариндошимиз қазо қилди. Маросимнинг эртаси куни шу инсоннинг катта ўли билан суҳбатлашиб қолдим.

— Отамни кўпчилик ёқтирмасди, — деди у уқиниб. — Бор айби одамларга яхши бўлсин деб елиб-югургани... Свет тез-тез учаяпти деб туманга қатнард, газ баллонлари вақтида тўлдириб берилмасди, деб яна чопардилар. Қишлоқ кўчасига тош тўқтирди, шунда кимлардир: “Майдасини тўқтирса бўлмасмиди, бу тошлар машина-мизнинг ғилдирагини ёйди”, дейишибди. Орада дарахт экишни кўп гапириб қолдилар. Икки ойча олдин бир мансабдорнинг олдига бориб: “Дарахт экишга маблағ ажратаман дегандингиз, лафзингизда турмадингиз”, деб қаттиқроқ гапирган. Ўша одам: “Э, маҳалла фаоли бўлсангиз ўзингизга, касал ҳолингизда ҳаммага ёмон кўриниб ҳар ишга аралашавермасдан, уйингизда тинчгина ётинг-да”, дея ўшқирибди. Отам шу гапга анча пайт эзилиб юрди...

Сўнг дўпписини қўлига олиб қокди-да, қайтадан бошига қўндирди.

— Ўша дарахтларни барибир ўзим эктираман, югуриш керак бўлса, югуравераман!

Беихтиёр кўзимга ёш келди. Яратганнынг чеварлигига қойил қолдим. Ахир шу йигитнинг босиб бундан олтимш беш йилларча олдин қишлоқ ичида йўл қўраман деб “катталар” билан жанжаллашган! Эшитишимча, утган асрининг олтимшинчи йилларида “илонизи” кўчаларни кенгайтиришга киришилган. Қишлоғимиз этагидан оқиб ўтадиган катта Булуңгур ариғига бо-радиган йўл йўқ, сабаби, пахта экиб ташланганди. Шунда ўша инсон қишлоқнинг икки-учта олд кишиларини эргаштириб, пахта даласи ўр-тасидан анҳоргача бўлган “бир кишилик” ило-низни қўчани кенгайтиришга, сўнг ҳар икки то-монига қатор тут қўчатлари экишга зўрга рух-сат олган экан.

Ўша тўтзорлар ҳалиям бор. Ҳар йили кўк-ламда қаторасига яшилланади, одамлар ипак қурти боқиш учун мўл-қўл баргларидан олади, қизил-оқ меваларини эса катта-кичик териб ёйди. Қарангки, эзгулигининг йўллари шу қадар узун. Қолаверса, эзгулараст одамлар ташвиши билан яшаган инсонларни эл унутмайди.

Юз йиллик тарихга эга Сарқипчоқ қишлоғи Жомбойнинг энг кўҳна масканларидан бири бўлиб, шу жойларни яшнатган, кўригига кўрк қўшганларни одамлар ҳанузгача эслашади. Утган асрининг ўттизинчи йилларида ишбилармон раис Халил Наврўзов қишлоқ болалари учун мактаб қуриш ташаббуси билан чиқади. Би-



роқ қурилиш учун ер ажратишишга келганда ҳатто бойлар ҳам кўмак беришдан ўзини олиб қочади. Шунда у ўзига қарашли майдонда ҳашар йўли билан бошлангич мактаб қуришга киришади. Янги мактабга болаларни йиғиш, дарс ўтадиган муаллим топиш осон кечмайди...

Олтимш йиллар аввал қишлоқ халқи, асо-сан, арик, ҳовузлардан сув ичишарди. Ай-ниқса, ҳовузларда туриб қолган сув тоза бўл-масди, ичида майда ҳашаротлар бўларди. Ўша кезларда қишлоғимиз фидойиси Эшқув-ват Баратов ҳовлилардаги ҳовузлардан олин-ган сувни ишиша идишга солиб, Самарқанддаги раҳбарлар олдига йўл олган. Анча вақтдан ке-йин навбати келиб, раҳбар қабулига кирган.

— Мана шу сувга яхшилаб қаранг, ичида ни-малар бор экан?

— Бу қанақа бор, қаердан олдингиз? — дебди раҳбар.

— Қишлоғимиздаги ҳовузнинг суви, биз шу сувни докадан ўтказиб ичамиз.

Бундай ноҳуш гап, ёқимсиз манзара виж-дони бор раҳбарга таъсир қилмай қолмайди, албатта. Вилоят каттакони дарҳол қишлоқ манзилини сўраб ёзиб олади, сўнг мутасадди ташкилот кишиларини қақиртириб, Сарқип-

чоқни тоза ичимлик суви билан таъминлаш заруригини айтди. Шундан сўнг кўп ўтмай, қишлоқда ер остидан сув тортиб чиқарувчи ин-шоот қурилади...

— Қишлоқнинг қорига ярайн деб ўзини ўт-га-чўққа урадиган одам борки, албатта, у бир қанча идоралар эшигини тақиллатиб боради, имконияти бўла туриб ўзини четта оладиган-лар билан талашиб-тортишади, дарё тошса тўлиғига чиқмайдиганларга қаттиқ-қуруқ гап ай-тади, бу баъзи бировларга ёқмайди-да, — де-ган эди бир пайтлар оқсоқолимиз Неъмат ҳожи Муродов билан суҳбатлашганимда. — Аслида, роҳатидан кечиб бошқалар учун елиб-югуриш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди, юрагиде ўти бўлиш керак бундай одамнинг. Баъзи би-ровларнинг тинчини бузгани учун маломатта ҳам қолади, лекин фидойи инсонга бора та н беради, барибир. Ахир ҳамма ўзини ўйлаб яшаса, олдинга қараб боровмаймиз-ку!

Анча йиллар олдин Ургутнинг Суфийен қиш-лоғида яшайдиган кекса боғбон Роҳатой Қўй-сунова ҳам менга худди шу гапни айтган эди.

— Ҳамма ўз тинчини кўзлаб уйдан чиқмай ўтирса, бу турмуш турмуш бўладими?

Қарий чорак аср вақт бригадирлик қилган

бу аёл узоқ йиллар аввал фаоллар қаторида Қримга саёхатга юборилади. Қарасаки, у жой-нинг тоғу қирларида узумлар жуда чироили ва мўл-кўл пишиб ётибди. “Мен ҳам Ургутга қайт-сам, шунақа узумзор барпо этаман”, дея аҳд қилади. Ушандан сўнг тинчини йўқотади. Бе-шала ўғлини ёнига олиб Тўлхона тепалиғи ён-бағирларини кўзлаб бораверади. Бу жойларни тошлардан тозалаш керак, кейин қўчат қадаш керак, уларга сув етказиб бериш эса биринчи галдаги масала. Тепаликка сув чиқариб узум-зор яратаман, деса... раҳбарлар ёрдам кўрсат-тармикин? Ушанда маҳаллий раҳбарлар имкон қадар кўмак беришди, сув чиқариш иши тўхтаб қолганда ҳатто пойтахтгача борилади! Қазий-сошлаш ишлари учун ҳам қанчалаб югур-югур-лар бўлди, қарабсизки, бир неча йиллар ичида тепалик ён-атрофида оқ-қора кишимилар гарк пишди, ҳатто экилган шафтоли, нок, олмалар ҳосилга кирди. Мевалар дастлаб болалар бо-ғчаларига, сўнг ҳам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Ўша йилларда бир юз эллик метр балан-ликка сув чиқариб, боғ-роғ яратган, бу йўлдаги минг бир машаққатларни енгиб ўтган Роҳатой Қўйсуновани мен эркаклардек кучли, қайсар

ва шаддод феълли бўлса керак деб ўйлаган эдим. Учрашганимизда эса рўпарамда жус-саи кичик, жуда озгин леким фариштасифат аёлни кўрдим. Аммо сўзларидан ички қатъият ва ўзгача жасорат балкиб турарди.

“Мевали дарахтга тош отилади”, дейдилар. Бу нақлнинг мазмуни шундаки, ҳеч кимга фой-даси теғмай, чекка-чеккада жимгина юради-ган кишилар ҳеч кимга керак эмас. Қуйиб-ёниб, машаққатли меҳнати орқали обрў топаётган-ларга эса доимо рақиб топилади. Роҳатой она-нинг тиним билмай қилган меҳнати эл назарига тушгани айрим кишиларнинг гашини келтирди. “Шу муштдеккина кампирга нима бор тоғу тош орасида, идорама-идора қатнагандан кўра уйда жимгина ўтирса бўлмайдами?” дегуви-лар бўлди.

Қаранг-а, кимдир тақир-тошли жойини обод қилиб, у ерда қанду новвот мевалар етиштир-са-ю, “баракалла” дейиш ўрнига унинг йўлига гов бўлишса!

Яхшиямки, оқни оққа, қорани қорага ажра-тадиган адолатли-инсофли раҳбарлар бор. Ро-ҳатой Қўйсунованинг меҳнати юқори ташкилот-лар томонидан муносиб тақдирланди, ҳатто у бир қанча йиллар Ургут шаҳар Кенгаши депу-тати сифатида ҳам фаолият юритди.

Қачонки Роҳатой Қўйсунова боғ иши бў-йича ўғилларида фидо сўраса, улар: “Сиздан ўтадиган боғбон йўқ-ку, она”, дейишарди. Бир куни: “Менга суяниб қолманлар, ҳар бирингиз ўз боғингизни яратинг”, деди фарзандларига. Шу суҳбатдан кўп ўтмай, она қазо қилди.

Кичик ўғил Луқмонжоннинг айтишича, бо-ғбон она набираларига шундай насихатнома ёзиб кетибдилар: “Ҳар қарич тупроқнинг қад-рига етдим, фақат меҳнат қилдим, нимаики топган бўлсам, шу тупроқдан топдим. Сизлар менинг ишларимдан ўрнак олинг, кўп меҳнат қилинг, чунки меҳнат одами улуғ қилади, из-зат-ҳурматини ошади...”

Ўғиллар боғ-роғларни яшнатишни ўз қўлл-рига олдилар. “Амин, Турсун, Қўйсун боғлари” фермер ҳўжалигида ҳар йили иш қизигандан-қизийди. Боғлар янада кенгайди, ҳосили ҳам шунга яраша...

Муборак ҳадислардан бирида келтирилади: “Ибн Қудомадан “Бахтли инсон ким?” деб сў-рашди. У зот: “Нафаси тўхтаса ҳам яхшилик-лари тўхтамайдиган инсон”, деб жавоб берди-лар”.

Ҳа, эл-юрт ташвишини қилиб, шу йўлда ти-ниб-тинчимайдиган одамлар айримларга ёмон кўринишда-да, доим элнинг назарида ва чина-кам бахтлилардир. Бундай кишилар эса ора-мизда озчилик эмас.

Гулчехра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист.

ТАЛҚИН

Алишер Навоийнинг ҳар бир асари, жоиз бўлса, ҳар бир байти, ҳатто ҳар бир мисрасида ҳаёт ҳодисалари шу даражада такрорланмас тасвирларга эгаки, улар салкам олти юз йилдан буён мухлислар қалбидан муносиб жой олиб келади. Бугина эмас, мутафаккир шоир шахсиятининг ўзи ҳам халқимиз, миллатимиз орасида ҳақли эътирофларга сабабдир. Шунга кўра, буюк ижодкор асарларининг барча замонларда қалам аҳли ҳамда бутун халқимиз учун ўзига хос адабий-эстетик ва маънавий-ахлоқий мезон бўлиб келаётгани бежиз эмас. Асрлар давомида Навоийнинг бадиий сиймосини яратишга интилишларнинг ҳам мунтазам жараён эканлиги яхши маълум. Мустақиллик давридаги ижтимоий-маънавий ҳаёт бу жараёнга янада катта куч ва янгича маънолар қўшаётгани ҳам бор гап.

Алоҳида ижодкорларнинг айрим мавзу ва муаммоларга бошқаларига қараганда кўпроқ мойил бўлиб қолиши янги гап эмас. Шунга қарамаздан, Алишер Навоий сиймосини тасвирлашга келганида бу борадаги ҳолатнинг бошқачароқ эканини тан олишга тўғри келади. Гап шундаки, Навоий даҳоси олдида бош эгмаган, адиб асарлари мутолаасидан чуқур ҳузур туймаган, буларнинг натижаси ўлароқ шоир ҳақида ҳеч бўлмаганда битта асар ёзишни кўнглига тугмаган ижодкорнинг ўзи йўқ ёки деярли йўқдир. Мустақиллик даври адабиёти намуналарининг ўзидаёқ Алишер Навоийга бағишланган асарлар бир жойга жамланса, бир неча қалин-қалин жилд китобларнинг юзгага келиши аниқдир.

Асар мавзуси ва шоирона иқтидорнинг номуён бўлиш шаклларига оид махсус илмий тадқиқотлар яратилмаган бўлса-да, бу борада анчагина кузатишларнинг ўзига хос тизими юзгага келганини ҳам инкор этмаслик керак. Бевосита Алишер Навоийнинг бадиий сиймосини яратиш жараёнида ҳам шу муаммога дуч келинади.

Ўзбек адабиётида шаъни улуғланган мутафаккирлар, буюк сиймоларнинг бирортасига Алишер Навоийга аталган миқдор ва даража-

даги асарлар, жумладан, шеърлар бағишланган эмас. Ўзбек шоирларининг деярли барчасида Алишер Навоийга бағишланган шеър мавжуд. Уларнинг айримлари бу борада ўзининг адабий мулоҳаза ва эътирофлари, Алишер Навоийга бўлган эътиқод ва ҳурматларининг ифодаси сифатида бир назм дурдонаси, насрий ёки драматик асарини ёзган бўлса, бошқалари бир-икки кичик ҳажмли асар доирасида бундай улкан ва мўътабар ниятни тўла ифода этиш имконининг йўқлигини чуқур англагани ҳолда мавзу доирасида қўллаб асарларини, ўрни-ўрни билан эса шеърый туркумларини яратишган.

Яна бир қизиқарли ҳодисани қайд этиш мумкин. Алишер Навоийга бағишланган асар муаллифлари ижодини кузатиш шу ҳулосага олиб келмоқдаки, улар бу буюк мутафаккир адиб ҳаёти ва ижодини тасвирлаш учун ўзларида жуда катта масъулият юқини ҳис этишган. Уларнинг бирортаси ҳам мазкур мавзудаги асарни ёзишга бирданига киришган эмас. Ойбек домла тажрибасида бўлганидек, аввал кичикроқ ва мўъжазроқ асарлар, кейингина йирик ҳажмдаги эпик полотноларга мурожаат этилган.

Яна бир факт шундан иборатки, ҳатто тарихий мавзуда қалам тебратган ёзувчиларнинг аксарияти ҳам бирданига бу мавзуга киришмасдан, аввал бошқа мавзу ва муаммолар устида ўз қаламларини ўтқирлаб олишган: бу борада тегишли кўникма ва малакалар, тажриба ва ишончга эга бўлганларидан кейингина Алишер Навоий сиймосининг кенгроқ тасвирига бел боғлашган.

Биз мулоҳазаларимизни биргина шеър мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. “Юрагингга қил ҳам сигмаса” мисраси билан бошланувчи бу шеърнинг муаллифи таниқли шоира Фарида Бўтаева — Фарида Афрўзидир.

Ушбу шеърда мустақиллик даври шеъриятидаги Алишер Навоий образининг асосий қирралари жамланган дейиш мумкин.

Шоиранинг талқинидаги Навоий ижоди ин-

сониятнинг энг яқин ҳамдарди, дарддоши, малҳами бўла олади:

**Юрагингга қил ҳам сигмаса,
Меҳрсизлик дилинг тигласа,
Бу ҳолинадан жонинг талваса
Қилса агар Навоийга айт,
Ўқи китоб, Ҳазратингга қайт!**

У инсонийлик, инсоний фазилатлар тарғиби ва тарбияси, ҳар қандай безовта ва дардли кўнглига ором ва ҳузур беришнинг уддасидан чиқади:

**Сотиб кетса энг яқин дўстинг,
Битмас бўлса ҳеч каму кўстинг,
Дарахтмисан, қай тараф ўсдинг,
Билмоқ бўлсанг Навоийдан сўр,
Дўст топмассан Ҳазратдан-да зўр!**

Боши берк кўчаларнинг энгиб бўлмас муамоларининг ечими, фожиаларнинг энг даҳшатли дамларининг ҳам дамини кесадиған таскин ва тасалли шоир шеъриятида мужасам:

**Йўлиққанинг бўлса хиёнат,
Учиб кетса қўлингдан омад,
Осмон тушиб, бўлса қиёмат,
Навоийдан топасан паноҳ,
Ҳазрат эрур ҳолингдан огоҳ!**

Алишер Навоий шеърияти алоҳида кучли бир салтанат, бутун инсоният суяниши мумкин бўлган кўргон ҳам шу шеърятдир. Қолаверса, ўзбекка фикрни тушунтиришда савоб ва гуноҳ мафҳумларининг ўрни ва аҳамияти нақадар буюклигини адиба яхши билади:

**Бу салтанат метин кўргондир,
Унда яшар ҳар ким омондир,
У жаннатдир, Эрам бўстондир,
Навоийни айлайлик тавоф,
Ҳазрат эрур энг олий савоб!**

Инсон муҳтож бўлган нарсаларнинг барча-барчаси ҳам айна мана шу шеърый кўргонларда жамланган:

**Магар сенга илм керакдир,
Дуо керак, тилак керакдир,
Ишқ керакдир, кўнгли керакдир,
Навоийдан топарсан ўзни,
Ҳазрат айтар ул ҳолис сўзни!**

Навоий ва миллат яхлитлиги ғояси ҳам, аниқроғи, миллатнинг Навоий ғоялари билан бирлашиб кетишига умид ва ишонч ҳам ушбу шеърдаги асосий таянч нуқталаридан бири бўла олади.

**О, юракка малҳам Навоий,
Ҳар ғарибга ҳамдам Навоий,
Заррангизман мен ҳам, Навоий,
Яёнамсиз, сизгадир таъзим,
О султоним, хоним, ҳазратим!**

Кўриниб турганидай, ушбу шеър мустақиллик давридаги ўзбек навоийномасининг ўзига хос намуналардан бири бўлган. У шу йўналишдаги қўллаб шеърлардаги умумий жиҳатларни анча ёрқин, аниқ ҳамда таъсирчан ифодалаб бера олгани билан бошқалардан ажралиб ҳам туради.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, шоирада тасаввур ва ижро ўртасида жуда катта уйғунлик мавжуд. Бу уйғунлик шоиранинг идеал ва унинг ифодаси йўналишида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлган. Бу нарса ижодкор идеалнинг нақадар тиниқ ва аниқ тасаввури билан унинг ифодаси ўртасида бевосита алоқадорлик борилигининг яна бир исботи бўлиб хизмат қилади.

Муаллиф маҳзун бир кайфият ифодаси билан бошланган шеърининг самимий ва бир қадар кўтаринки пафос билан якунигача бўлган ораликда бадиий-эстетик мантиқнинг ипи ҳар доим таранг туришига эриша олган. Дастлабки бандлардаги шарт эргаш гапли қўшма



гапларнинг фаол иштироки, турфа маъноларнинг ўзаро яқин шакллардаги ифодаси таъдид санъати воситасида юзга чиққан бўлса, навбатдаги бандда аср санъати китобхон (шеърхон)га даъват ва тасалли сифатида таъсир кўрсатади. Якундаги нидо ҳам шахсий ҳайрат, ҳам бевосита Навоий шахсига мурожаат, буларнинг ёнида эса кўзда тутилган идеалнинг лафзий ифодаларидан иборат бўлган таъдидларнинг таъкидидан юзгага келган ҳосиладир.

Буларнинг барчаси Амир Алишер Навоий сиймосининг шеърхон кўзи олдидаги сиймосига ўзига хос сайкал беради, уни бизга янада яқинлаштиради. Бизни Навоий асарларини ўқишга чорлаб туради.

Азиз шеърхон! Келинг, шу эзгу чорловга

“лаббай” деб жавоб берайлик!

**Гулбахор АШУРОВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
Фузулий номидаги илмий
тадқиқот маркази раҳбари,
филология фанлари доктори.**

ШЕЪРИЯТ

Юсуф ЗИЁД

Қалбимда ниш урди умид чечаги

ҲОЛАТ

Гоҳида яшадим шодон ва хуррам,
Гоҳида қалбимни босиб келар ғам.

Гоҳида топдим мен эъзоз ва ҳурмат,
Гоҳида уни ҳам кўп кўрди қисмат.

Гоҳида маст бўлдим ишқнинг майдан,
Гоҳи куй тингладим ҳижрон найидан.

Гоҳида сурурнинг бағрида учдим,
Гоҳида қалбимни тингламас ҳеч ким.

Гоҳ ҳорғин дилларга изладим малҳам,
Гоҳида қийналдим дарддан ўзим ҳам.

Гоҳи ўртанаман, дунё бунча тор,
Гоҳи юлчан бўласан, яхшиям сен бор.

Гоҳ сени қўмсайман қилолмай тоқат,
Сен билан бахтлиман, сен билан фақат.

ТАСКИН

Кун келар, армонлар айланар тушга,
Умримиз тунларни нурга тўлади.
Булуллар дўнади энг гўзал кушга,
Ишон, турмушимиз ширин бўлади.

Ой ҳам бахтимиздан сўйлар у палла,
Самода энтикиб юлдуз кулади.
Эпкинлар шивирлаб айтади алла,
Ишон, турмушимиз ширин бўлади.

Аҳдимга ишон сен, меҳримга ишон,
Меҳрсиз чаманда гул ҳам сўлади.
Сенга дегим келар ҳар лаҳза, ҳар он:
Ишон, турмушимиз ширин бўлади.

ЛАЙЛОГА

Кунларни санайман, етмас бардошим,
Умрим ўтар гўё алаҳсиган туш.
На бир овунчим бор, на бир сирдошим,
Бугун сенсиз яна юрагим бўм-бўш.

Тунлар тентирайман сарсон, саргардон,
Умидларим вайрон, орзуларим хор.
Қалбимни ўртади биргина ҳижрон,
Меҳрингга ташнаман, дийдорингга зор.

Излаб топганим шу – ўкинч ва алам,
Мени ўз бағрига чорлаган сароб.
На дўст топа олдим, на бирор ҳамдам,
Сенсиз турмушим ғам, аҳволим хароб.

Сен менинг суюқлим, номус-оримсан,
Келгил, кел, ёнимдан кетма бир нафас,
Давлатим, шуҳратим, йўғу боримсан,
Сен ёнимда бўлсанг шунинг ўзи бас.

ЧЎЛПОН

Шафақ юзи бўялди қонга,
Сахар чоғи отилди бир ўқ.
Кун билан тун ғарқ бўлди тонгда,
Оҳ, самонинг қуёши ҳам йўқ.



Муаллиф ҳақида:

Юсуф ЗИЁД — 1965 йили Чирокчи туманидаги Қўқдала қишлоғида туғилган. 1990 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Меҳрингга ташнаман”, “Руҳият манзаралари”, “Кун ва тун”, “Қаноатнинг қаноти” каби китоблари нашр этилган.

Зимистонга бурканди жаҳон,
Унут бўлди кеча ва кундуз.
Йиғлади ой, йиғлади осмон,
Қўлаб тушди улкан бир юлдуз.

УМИД

Бир илиқ табассум, бир ишвали ноз,
Андўҳлар ортимда қолди кечаги.
Шунчалар сулувсан, билсанг, сарвиноз,
Қалбимда ниш урди умид чечаги.

Сенсиз ўз кўркини йўқотган боғим,
Яна гулга кирди, ишонгин, дилдор.
Сенинг дийдорингни қўмсаган чоғим,
Қайта тугилмоқда қалбимда баҳор.

НАЗАР ШУКУРНИНГ СЎНГГИ СЎЗИ

Қорлари кўкларни кучган қорли тоғлар, алвидо,
Гул ифори кўкча учган ҳовли-боғлар, алвидо.

Тун аро кун суҳбат айлаб, дилни хушнуд, шод этиб,
Ул қаро кўз бирла ўтган бахтли чоғлар, алвидо.

Ёрининг ҳажрида ҳаргиз кўнглини доғ айлаган,
Қўкси нолон, бағри гирён, жисми соғлар, алвидо.

Кўркини кўз-кўз этиб гоҳ ўзни булбул чоғлаган,
Хониши кўнглини бузган қарға-зоғлар, алвидо.

Айрилиб дилдоридан, сўнг лахта-лахта қон ютиб,
Ул ғарибу нотавонлар чеккан оҳлар, алвидо.

Икки қифтимда турурки, қайси бисёр, билмадим,
Ишқ йўлида ҳам савобу ҳам гуноҳлар, алвидо.

Қай кўнглини хуррам айлаб, қай бирин хор айлаган,
Шўъласини тун узра сочган қўқда моҳлар, алвидо.

МУТОЛАА

Камина ғарибнинг ғариб кўнлидаги ижода бўлган иштиёқни кашф этган, ҳижжалаб сабоқ бериб юриб ижодкорлар сафига қўшган, олами бўлмаса-да, одамнинг барча оғриқларини, дардларини, ғам-ғуссаларини қалбига, вужудида ҳис қилиб, буларнинг барини қувончдай қабул қилиб яшаётган ижоддаги биринчи устозим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Лобархон ая Рустамовадир. Адиба “Дарёда айтилган алла” (2004), “Ой-момо жилмайди” (2004), “Ишқ изҳори” (2007), “Ўргимчак тўрида” (2009), “Эзуликка йўрилган умр” (2011), Тоғдаи фожиа” (2011), “Саодат манзили” (2017), “Ўшанда ҳам қиш эди” (2021), “Тақдир тарозиси” (2022), “Соғинч сочилган йўл” (2024) каби китоблар муаллифи ҳисобланади. Ижод намуналари Туркия, Италия, Германия, Бельгия, Кения, Қирғизистон, Озарбайжон сингари кўплаб мамлакатларнинг нуфузли нашриётларида чоп этилган. Лобархон ая Учкўргон туманининг Қўғай қишлоғида таваллуд толган. Янгиқўргон туманининг Заркент қиш-

лоғида камолга етиб, бугунги кунда Янгиқўргон туман марказида яшаб, баракали ижод қилиб келмоқда.

Устознинг “Тақдир тарозиси”, “Ўшанда ҳам қиш эди”, номли китоблари (2023 йилда) Америка ва Францияда инглиз ва француз тилларида чоп

лан ҳис қиласан. Ҳижроннинг тоғлар қадар салобатли гавдасини кўрасан. Меҳринг боғлар тўла гуллар каби хуш ифори димоғингга урилади. Бу ҳикояларда бир нур бор, кўнгли кўзи кўради. Бу ҳикояларнинг ичида бир куй бор, қалб қўлоғи билан эшитган саринг эшит-



этилиб, АҚШдаги “Amazon” сайтида сотувга қўйилди. “Ўшанда ҳам қиш эди” китобида кириптилан “Сизга аталган кун” деб номланган туркум, жажжи ҳикоялар бўлими бор. Бор-йўғи бешта ҳикоя. Бу ҳиқузули нашриётларида чоп кўшқ, насрда ёзилган достон, муҳаббат ҳақидаги энг яхши асарлар дегим келади. Уларни ўқисанг, соғинчни бор бўйи би-

линг келаверади. Уларда бир сир борки, ўқиган сари ўқигинг, уққан сари уққинг келади. Кўз ёшларга тўла дарё бор, ғарқ бўлгинг келади. Меҳр бор, муҳаббат бор, уларга эзалик қилгинг келади. Китобларнинг номланишига ҳам бир эътибор беринг-а... “Дарёда айтилган алла”, “Ой-момо жилмайди”, “Ишқ изҳори”, “Ўшанда ҳам қиш эди”... Худди маҳзун бир



кўйинг, қўшиқнинг бошланishiга ўхшайди. Туркумдаги ҳикоячалардан бири бор-йўғи икки юз битта сўз, битта боғловчи, бир юз ўн учта тиқиш белгиси, бир миға олти юз саксон еттихта ҳарфдан иборат бўлган қўлган ҳикояси — қайғуда қўлган қалб қўшиғидир.

Шу кунларда 70 ёшни қаршилаган устозим Лобархон аяга узок умр, мустаҳкам соғлиқ, ғайрат-шижоат тилаган ҳолда, ижодлари бардавом, янада сермахсул ва сермазмун бўлсин, дейман.

Қўйида эса адиба Лобар РУСТАМОВАНИНГ ҳикояларини ўқиб ёзилган шеърни ҳукмингизга ҳавола этишдан бахтиёрман...

Ўшанда ҳам қиш эди

1
Ўшанда ҳам қиш эди,
Кўрганларим туш эди.
Ҳеч уйғонгим келмасди,
Туш бўлса-да, хуш эди.

Кўлларимдан етаклаб,
Қор кўйидада эрталаб,
Эртақлар айтар эдинг,
Қор отардинг эркалаб.

Самоларда учардим,
Юлдузларни кучардим.
Майдан мосуво эдим,
Ишқ шаробин ичардим.

Атроф оппоқ қор эди,
Оқлик бизга ёр эди.
Гувоҳимиз, оҳимиз,
Баҳайбат чинор эди.

2
Ўшанда ҳам қиш эди,
Кўрганларим туш эди.
Ҳеч уйғонгим келмасди,
Орзуларим қуш эди.

Ховлингга эсиб насим,
Ойнага чизиб расм,
Дил изҳорин ёзарди,
Келар эди ҳавасим.

Кўзларинг эди хомуш,
Нигоҳларинг фаромуш.
Қор кўйидада қолган кун,
Кўзларингга ўт ёнмиш.

Шундан бери най — қамиш,
Қиш фаслида куйлармиш.
Гулзоринда гулларинг
Фақат қишда гуллармиш.

3
Ўшанда ҳам қиш эди.
Кўрганларим туш эди.
Ҳеч уйғонгим келмасди,
Рухим Сиёвуш эди.

Сени соғинган сайин,
Қор ёғар майин-майин.
Ухлагим келар, висол
Тушимда келар тайин.

Машшоқлар чалсин найин,
Соқийлар куйсин майин.
Тушда бахтиёрдирман,
Уйқумдан уйғонмайин.

Мен кетдим қайрилмайин,
Айрилдим, айрилмайин.
Тушларимда қиш қолди,
Қишимдан айрилмайин.

Қушимдан айрилмайин,
Тушимдан айрилмайин.
Айрилсам ҳўшдан кетгум,
Хўшимдан айрилмайин.

4
Ўшанда ҳам қиш эди,
Кўрганларим туш эди.
Ҳеч уйғонгим келмасди,
Хаёлларим хўш эди.

Тушиммас, ўнгим рўё,
Қорқиздай эдинг гўё.
Чақирсам чопиб келдинг,
Бахт эди бутун дунё.

Ёр, бўрон уйнар эдик,
Қорбўрон уйнар эдик.
Ҳижронни хурсанд қилиб,
Қўвонччи қийнар эдик.

Қўлинг совуқ, совқотдинг,
Нега мени уйқотдинг?
Мен сени йўқотдимми,
Ё сен мени йўқотдинг?!

5
Ўшанда ҳам қиш эди,
Кўрганларим туш эди.
Ҳеч уйғонгим келмасди,
Туш бўлса-да, хуш эди.

Лочин тоғ, қирда ўтди,
Бургут чўққида ўтди.
Қўраин, деб тушимда
Умрим уйқуда ўтди.

Не қилай ҳеч қонмасам,
Ўтмишдан тонолмасам.
Яна кўрдим тушимда,
Қанийди уйғонмасам.

Қорда изларинг қолди,
Қалбда сўзларинг қолди.

Қўлда эриган қорга
Қараб кўзларим толди.

6
Ўшанда ҳам қиш эди,
Бугун яна қиш келди.
Қишга қўшилиб ҳижрон,
Ўкинч-у, ташвиш келди.

Соғинч тўла қор ёғди,
Тун бўйи бедор ёғди.
Қорда исимини кўрдим,
Қалбимга баҳор ёғди.

Қўйвормасдан мени қор,
Сенга этар интизор.
Қордай эриб мен яна,
Йиғлатаман сени, ёр.

Кўраямман мен сени,
Қўролмайсан сен мени.
Сенга ташлаб кетдим-ку,
Юрагимни — севгимни.

Юраклар тилка-пора,
Қўришмоққа йўқ чора.
Дийдор маҳшарга қолган,
Тақдир экан, начора.

Ўшанда ҳам қиш эди...

Мухаммадшер ОТАБОЕВ

БУГУНГИ ЁШЛАР

РАЙЁНАНИНГ ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Дунёда илмдан юксак ҳикмат йўқ. Илм олишга интилаётган ёшлар бугун мактаб парта-ларида устозлардан сабоқ олишмоқда.
Маълумотларга қараймиз: 2023-2024 ўқув йилида Ўзбекистон мактаб ўқувчилари то-монидан халқаро фан олимпиадаларида жами 122 медаль қўлга киритилди. Бу натижа ҳозирга қадар эришилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.
Яна маълумот учун айтиладиган бўлсак, ўтган йилда олимпиадачи ўқувчилар томонидан 65 та медаль қўлга киритилган. Бугун шу медаль соҳибаларидан бири ҳақида ҳикоя қил-моқчимиз.

Райёна Иброҳимова — Андижон шаҳридаги 4-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси. Германиянинг Гёттинген шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон немис тили олимпиадасида (The Internationale Deutscholympiade — IDO) олтин медални қўлга киритган.

2024 йил 15-22 июль кунлари бўлиб ўтган олимпиадада 62 та давлатнинг 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган 100 дан ортиқ вакиллари ишти-рок этди. Олимпиада учта йўналишда — A2, B1 ва B2 даражада ўтказилди. Райёна B1 даража йўналишида олтин медаль олди.

Райёна энг умидли ёшларимиздан. Ҳали ке-лажаги олдинда. Ҳали мактабда ўқийди. Шун-дай бўлса ҳам, аллақачон юртимиз байроғини елкаларидан тутиб, қандай фараҳ туийиб ул-гурди. Шу эмасми инсон деган номни оқлаш саодати?

У аввалига ўзини адабиётда синаб кўрди. Ахир 1-синфдан кичкина шеърлар ёзиб юрарди. Яна бобоси ҳар доим “Зулфия муко-фоти олади менинг қизим”, деб умид қиларди, кўп такрорларди. Кичкина бўлса ҳам Зулфия-хоним қизи бўлишга интилганидан, “Нима қил-сам бу мукофотни оламан?” деб сўраганида, бобоси: “Онаннга ўхшаб шеър ёзсанг”, деб жа-воб берган экан. Бу, эҳтимол, шунчаки ҳазил-лашиб айтилгандир. Аммо ёш қизчадаги ис-теъдодни юзга чиқариб юборди. Шу онданок у ўзини синаб кўрди ва дастлабки шеърини бо-сисга бағишлади. Жаҳож Райёнанинг яхши бўлмаган шеърини ҳам кўпларга кўтариб мақ-таган ота-онаси, бобо-бувалари қизанинг қал-биди яна шеър ёзишга, ёдлашга, китоб ўқишга, умуман, адабиёт дунёсига қизиқишни орттир-ган. 3-синф бўлганида دادаси Андижон шаҳри-даги 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мак-табининг фортепьяно йўналишига ўқишга олиб борди. У ерда унинг орзулари ўзгарди. “Ке-лажақда пианино ўқитувчиси бўламан”, деб уш йил тахсил олди. Тўртинчи йили унда яна адабиётга бўлган қизиқиш кучайди. Бутун ву-жуди билан адабиётга интилди. Турли хил он-лайн ва офлайн танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни олди. Шеър ёзишда ва ёд олишда давом этди. “Ёш китобхон” каби рес-публиканинг нуфузли танловларида қатнашди. Аммо қанча кўп тайёрланмасин, бошқалар ун-данга кўп тайёрланишган экан, вилоят босқи-

чидан ўтиб, республикага қадам қўя олмади. У бобоси учун ҳаракат қилар, ҳаммаси бобонинг орзусини амалга ошириш учун эди. Аммо қизча Зулфия мукофотини олиш ёшига етгунича бо-боси оламдан ўтди. Бу Райёнанинг руҳини ту-ширмади. Қайтага янада мақсад сари бори-шига ундади. Касалхонадалик пайтларида бо-босидан эшитган охирги сўзи ҳам: “Қизим ҳали зўр қиз бўлади, китобхон, Зулфияхонимдек шоира бўлади”, деган гаплари эди. Унда муал-лифлик китоби бўлмагани учун ўрин ололмади. Шундан сўнг онаси уни хорижий тилларни ўрганишга йўналтирди. “Бунда ҳам Зулфия қизи бўласан, ҳатто тақдирланишнинг мумкин. Халқаро майдонларга чиқиш имкониятларинг ҳам кўпаяди”, деди онаси уни руҳлантириб.

Мактаб дарсларидан ташқари 8-синфдан Тошкент Гёте институтининг республикамиз-даги ягона филиали, яъни Андижон шаҳрида жойлашган “Берлин Зентрум” ўқув мар-казида тахсил олишни бошлади. Биринчи марта эришган катта муваффақияти — 5 ой утар-ўт-мас Германияга 3 ҳафталик йўлланма ютиб ол-гани бўлди, бу 2022 йилнинг март-апрель ой-ларида эди. Германияга биринчи сафар эса ўша йилнинг август ойларига тўғри келди. Шун-дан кейин унда немис тилига бўлган қизиқиш янада ортди.

“Икки йил ичида у ерда ўқидим ва дарсларни тамомлаганим тўғрисида 10-синфлигимда сер-тификат олдим. Бу ҳам менинг ўзимга ишон-чим ортишига сабаб бўлди ва республика фан олимпиадаларининг мактаб, туман-ша-ҳар босқичларида фахрли ўрин эгаллаб, ви-лоят босқичига ўтдим. Вилоят босқичи ўтиши керак бўлган кунда тест синовиغا боришим, тестда қатнашимнинг менинг республика босқи-чига чиқишимга сўнгги шахдам қадам эканини билмаган эдим. Қеҳсурун жавоблар эълон қи-линди, мен 1-ўринни эгаллаган эдим. Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Табиийки, фан олимпиа-даларининг республика босқичи факат 11-синф-лар учун. Мен эса 10-синф эдим, лекин 2 ой ўтиб бизга хабар келди: “16 февраль кuni “The Internationale Deutscholympiade — IDO” (хал-қаро немис тили олимпиадаси)нинг саралаш босқичига борасизлар”, деган. Ўша кuni мак-табда менга немис тилидан дарс берадиган устоз Муқаддас опа Қосимова билан Гёте инс-



титутига бордик. У ерда ҳар бир вилоятнинг немис тили фанидан 1-ўрин олган 10-синф ўқувчилари йиғилган эди. Биз эшитиб тушу-ниш, тинглаб тушуниш, оғзаки имтиҳонларда беллашдик. Уларнинг ичида мен 1-ўрин олган эдим. У ердаги устозлар кучли ишонч билди-риб, бизга 15-22 июль кунлари Германиянинг Гёттинген шаҳрида бўладиган “ИДО-2024”нинг финал босқичига омадлар тилади. Институт-нинг тил бўлими раҳбари Дилдора Муҳамма-даминова “12 йилдан буён қатнашиб келадиган ўқувчиларимиз, лекин ҳали ўрин олишгани йўқ”, деганларида ўйланиб қолдим”.

Райёна ҳар доим устозлари билан ишлади, ота-онасининг қўллаб-қувватлашлари билан олимпиадада тайёргарлик кўрди. Қанчалик қи-йин бўлишига қарамасдан, олға бориши керак-лигини англаб етди. Бобосининг руҳи олдида, қолаверса, 12 йил давомида юртдошларига го-либлик насиб қилмаган олимпиадада биринчи медални Ўзбекистонга олиб келишни мақсад қилган эди. Финал босқичида немис тилини қай даражада билишлари, инсонийлиги, ўзли-гини англай билиши, ўзи ва ўзгаларни ҳурмат қилиши, ижтимоий одоб каби хусусиятлари 2 та оғзаки ва 1 та ёзма имтиҳонда баҳоланди. Райёна Иброҳимова B1 йўналишида 1-ўринга муносиб топилди.

“Олимпиадада голиб бўлишимда менинг ўзбек миллатига мансублигим фойда берди деб айта оламан, сабаби, ўзбеклардек ўзли-гини, қадриятини англай оладиган, инсоний-

лиги, одамларга меҳр-муҳаббати кучли бошқа халқ топилмаса керак. Менинг 16 йил Ўзбекис-тонда — жонахон ўзбек оиласида олган тар-биям жуда ҳам қўл келди. Адабиётимни, ўз та-рихимни, аждодларимни танишим, Ватанимни севимини турли хил “workshop”ларда аён бўлди. Бунга мисол қилиб бир воқеани айта оламан: турли шакллардаги леголардан ўзи-миз учун қадрли ва кўрганда бизни эслатади-ган нарсга ясашимиз керак эди. Мен мустақил-лигимиз рамзи дея Мустақиллик майдонини, ўзбекилигимизни англатиш учун пахта, байро-ғимиздаги ой ва юлдузлардан бирини, сўрида ўтирган одамларни савирлашдан ташқари, қадимдан элимиз фойдаланиб келган ўтовни ҳам — Ўзбекистон оиласига айниқса, қорақал-поқ халқи рамзи сифатида тасвирлаган эдим. Барчамизнинг бир ҳафталик юриш-туришимиз, муомала ва қарашларимиз олимпиада сўнигда баҳоланди. Барчаси жамланган ҳолда ўрин-лар аниқланди. Мен эса орузимга етиб турган эдим. Ундаги ҳис-туйғуларим таърифлаб бўл-мас даражада эди...” — деди у тўлқинланиб. Шу жойида одам кўз ёшларини тила олмади.

Райёна устозларини алоҳида эътироф этади. Бу кунгача юзлаб ўқитувчилар билан юзма-юз бўлганини, нимадир ўрганганини ай-тади. Айнан немис тили ўқитувчиларига тўх-таладиган бўлсак, мактабда 1-синфдан то ҳо-зирги 11-синфгача Муқаддас Қосимовадан тахсил олди. Асосий таълимини Андижон шаҳ-ридаги “Берлин Зентрум” ўқув марказининг

устозларидан олди. Жумладан, Мавжуда Аб-драимова, Озода Мухторова, Муслима Ко-милова, Гулсанам Худойбердиевалар қўлида икки йил ўқиди. Айнан олимпиадага уч ой қол-ганда Муслима Комилова ва Озода Мухторо-валарнинг дарсида иштирок этди. “Аслида, улар чемпион. Яна ўқишимга шароит яратиб, менинг сифатли таълим олишимга маблағ сарфлаган биринчи устозларим — ота-онам. Улар барчалари Ватанимиз учун уни икки йил-лик рекордни янгилашди”, деди Райёна кам-тарлик билан. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизда ота-онанинг қўллаб-қувватлашларисиз, устозла-римизнинг берган билимларисиз ҳеч ким бўла олмаймиз. Ҳар бир муваффақият ортида меҳ-рибон ота-она ва матонатли устозлар турибди.

Отаси Жўраев Нодирбек 1976 йилда туғил-ган. Айни дамда Андижон вилоятининг санъат ва маданият мактабининг эстрада йўнали-шида ўқитувчи бўлиб иш юритади. Онаси Жў-раева Иродахон 1978 йилда туғилган. Анди-жон шаҳар 4-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси. Ота-онаси фарзандини ҳаммаша билим олишга ундаган. Қайсидир бир мағлубият билан уйга келса, ҳеч қачон қоймаган, “бўлди, йиғиштир ўқийшингни” деб айтмаган. Ҳар доим қўллаб-қувватлаш, ҳар доим ишонч билан келган.

Райёна ўзининг ҳаётини хулосаларини шун-дай билдирди:

“Ҳеч қачон ниманидир бошлаш учун кеч эмас. Мен немис тилини кеч бошлаганман деб ўйлар эдим. Ҳеч қачон ота-онанинг дуоси иж-обатсиз қолмас экан. Ота-онам дуода бўлиш-ган ва мен юксак натижага эришдим. Ният қилганда ҳеч қачон иккиламчи нарсга қўшма-дим, яъни у бўлмаса, бошқа йўл бор каби. Бутун вужудим билан орзумдаги маррага ин-тилдим. Ҳаракатдан тўхтамадим. Доим катта-катта оруз қилиш керак, ҳеч қачон атрофдаги инсонларнинг у-бу гапларига эътибор бермас-лик керак, ахир майда гаплар одамни ейишдан бошқа ишга ярамайди. Бир мақсад қилдикми, албатта, охиригача бориш керак, ҳаммаси бир кунмас-бир кун юзга чиқади.

Зулфия мукофоти учун бу сафар адабиёт эмас, бошқа йўналишдан ҳужжат топширишни ният қилдим. Агар инсон муваффақиятли бў-лишни хоҳласа, муваффақиятли инсонлар даврасида юриши кераклигини ва атрофда-гилар инсонга таъсир этишига амин бўлдим. Ҳаётимга янги шior ўйлаб топдим: “Ният — Ҳаракат — Интизом — Натижа”.

Мен Юртбошимиздан жуда мамнунман. Чунки бизларнинг таълим олишимизга барча шaroитларни қилиб бердилар, ишонч бил-дирдилар. Германия канцлери Олаф Шольц-нинг юртимизга ташрифи чоғида мени ундаги гапириб берганлари қандай бахт ва қандай қувончли ҳол! Албатта, ота-онамга ҳаммаси ушун, устозларимга бардош ва матонат учун, берган билимлари учун ташаккур айтаман”, деди Района.

Маймура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси бўлими бошлиғи.

Интернетдан ки-йим-бош дўкон-ларини излайсиз. “Brusko”, “Kids Land”, “Podium boutique”, “Gloss”, “Brandroom”, “Edelvace”, “Li Ning”, “Verda premium”...

Сартарошхона-салонларнинг номлари ундан-да қаройиб: “Krom professional”, “Kimmy lab”, “Jane Air”, “Chocolate”. Уларни номидан то-пиб олишингиз амримаҳол. Бунда бан-нерлардаги расмларгина ёрдам беради. Агар чет тиллардан хабарингиз бўл-маса, кентда адашиб қолишингиз ҳеч гапмас. Худди мутафаккир Алишер На-воийнинг “Тилга эътиборсиз — элга эъ-тиборсиз” деган ҳикмати замонамизга мос тушгандай.

Хориж брендлари бўйича очилган тармоқ емакхона ва дўконларни ту-шунса бўлади. Бу тармоқлар чет эл фирмаларидан рухсат олиб, маълум ту-ловлар амалга оширилгач, ташкил этил-ган. Масалан, “MaxWay”, “McDonald’s”, “KFC” кафелари шулар жумласидандир.

Бироқ қатор емакхоналар борки, уларнинг номларидан бу ўзимизни-кимми ёки чет элники, деган хаёлга бо-расиз. “Bon! Boulangerie”, “Gloria Jean’s”, “Coffees Uzbekistan”, “Book safe”, “Pie Republic”, “Multi mafe” кафеларининг не-чун инглизча, французча номланиши ажабланарли.

Озиқ-овқат дўконларининг ҳам кўпчи-лиги ажнабий тилда. “Magnum”, “Green apple market” ва ҳоказо. Дўкон бошқа-рувчилари билан сўхбатлашсангиз, жа-вобларидан ҳайратингиз ошади: “Хо-рижий сўзлар одамларни ўзига жалб этади. Харидорларнинг қизиқишига са-баб бўлади”.

Турли хизматлар кўрсатиш ва иш-лаб чиқаришга ихтисослашган фирма-ларнинг номлари ҳам, асосан, инглиз тилидан сўзма-сўз, харфма-харф кўчи-рилган: “Aramek”, “Asmus”, “Akfa build”, “Alpha security services”, “Al sage pham” ва ҳоказо. Бундай фирма номларини юзлаб келтириш мумкин. Миллий фир-маларнинг бундай аталиши чет элга меҳр қўйганимизданми ёки ўз она тили-мизга хурматсизликдан?!

БИЗ ҚАЙСИ МАМЛАКАТДАМИЗ?

Пойтахтимиз кўчаларидаги ажнабий тилдаги ёзувлар ҳақида



Мазкур ҳолатни пойтахтнинг мар-казий кўчаларида такрор-такрор учратиш мумкин. Айниқса, Шота Руставели кў-часининг бир-бирига туташган бинолар пештоқида катта-катта харфлар билан битилган ажнабий сўзларни йўл-йўла-кай тушуниб-тушунмай ўқиб кетасиз. Тошкент ресторанлари картография-сига юзланамиз: “Actor restaurant”, “Beeg & wine”, “MEATme Grill & Bar”. Шун-дай ресторанлар борки, улар бирорта мамлакатнинг миллий таомларини тай-ёрлашга ихтисослашган. “Resto Forn Lebne & Chillax” (Ливан ресторани), “Ember & Embat” (Осиё ресторани), “Kaizen” (япон ресторани) каби. Турк ти-лидаги юзлаб ресторан ва кафеларни санаса бўлади.

Савдо ва кўнгилочар марказла-рининг аксарияти ажнабий тилларда номланган. Масалан, “Compass Mall”, “Yangjobod Weekend flea market”, “Mega planet”, “Vega centre” каби. Булар қато-ида “Чорсу”, “Пойтахт”, “Самарқанд”

савдо марказларининг борлигидан кўн-гил бир оз таскин топади.

Ўз она тилига ҳурмати баланд мам-лакатлардан бири Туркияда йўл кўрсат-кичлари, эълонлар аввало турк тилида, сўнгра инглиз тилидаги таржимаси би-лан берилади. Ҳатто йўл белгиси бўл-ган халқаро “STOP” сўзи “DUR” дея туркча ёзилган. Дўкон ва емакхоналар-нинг номлари, асосан, турк тилида би-тилган. Масалан, “Karapazar” (Капали Чарши) савдо маркази, “Gizia” (қизлар) аёллар дўкони, шунингдек, “Osmanli”, “Tawook” грилл-кафе, энг машҳур рес-торанлардан бири эса “Turk Fatih Tutak” (Турк Фотиҳ Тутак) дея номланади. Она тилига бундай эътибор ва меҳр кишида ҳавас уйғотади.

Қўшни мамлакатлардан Туркманис-тонда йирик савдо марказларининг ном-лари “Берқарор”, “Ашхобод”, “Гул зами”, “Пойтахт”, “Чарвадор”, “Бахтиёрлик” бўлса, машҳур ресторанлари “Сафгон”, “Аммор”, “Талхар” дея аталган.

Қирғизистон Республикаси машҳур кафе-ресторанларни ўз лаҳжасида “Бар-сок”, “Нарвана”, “Ўзум”, “Нават”, “Борсак”, “Ош орда” “Атабек” дея номлашган. Энг йирик дам олиш ва савдо марказлари “Рамазон”, “Ак кема”, “Таатан”, “Тинчтик” дея ўз она тилида фахр билан тилга оли-нади.

Она тилига меҳри баланд тад-биркор юртдошларимиз бор эканки, сўнгги пайтларда “Беш қозон”, “Чирс-чирс сомса”, “Миллий таом-лар” тармоқ овқатланиш корхона-лари, шунингдек, “Олма”, “Ишонч”, “Ҳавас” савдо белгили дўконлар очилиб, ўзбек эканимизни эслатган-дек бўлди. “Афсона”, “Нават”, “Ял-пиз”, “Райҳон” номли кафе-ресто-ранларнинг фаолият юритаётгани ҳам қувонарлидир.

Фирмаларнинг номланиши Адлия ва-зирлигининг рухсати билан амалга оши-рилади. Маълумки, 2006 йил 18 сен-тябрда “Фирма номлари тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган.

“Амалдаги қонуннинг 4-моддаси бў-йича фирмаларга ном берилиши амалга оширилади, — дейди Адлия вазирлиги тизими масъул ходими Азизбек Раҳма-тов. — Бунда, асосан, фирма номла-рининг такрорланмаслигига амал қи-линади. Республикада иккита фирма битта ном билан юритилмаслиги керак. Масалан, “Нодир МЧЖ” иккита фирма номи бўлолмайди”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлан-тириш ва тил сиёсатини тако-миллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги Фармони билан “2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такоми-лаштириш концепцияси” тас-диқланиб, унда “мамлақати-миз ижтимоий-сиёсий ҳаёти-нинг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эри-шиш” таъминланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги “Савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўр-сатиш объектиларига ном беришни та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғ-рисида”ги қарорига кўра, Алишер На-воий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳу-зуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази объектиларга давлат тилида ном бериш (нейминг) хизмати кўрса-

тиш белгиланган. Унга кўра, марказ ва унинг ҳудудий бўлималарига давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқ келадиган, миллий қадриятларга мос ҳамда объектиларга қўйиш тасвири эти-ладиган номлар захирасини онлайн режимда шакллантириш ҳамда уни доимий янгилаб бориш; ташқи ёзув, пешлашча, реклама ва эълонлар мати-нини тайёрлаш, шунингдек, уларнинг давлат тили қоида ва меъёрларига му-вофиқлиги, номларнинг бир хил ёки ўх-шашлик даражаси юзасидан лингвис-тик экспертиза ўтказиш; номлаш, ном яратиш фаолияти билан шуғулланаёт-ган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилиш, уларга маслаҳат ёр-дамлари кўрсатиш; жисмоний ва юри-дик шахсларнинг муносабатларига кўра объектилар учун давлат тили қоида ва меъёрларига, қонунчилик ҳужжатла-рига ва миллий қадриятларга мос бўл-ган давлат тилида номлар яратиш ва танлаш бўйича шартнома асосида хиз-матлар кўрсатиш вазифаси юклатил-ган. Амалда-чи... Қонун ҳужжатлари бир ёнда, кўча ёзувлари бир ёнда.

Ўзбек тилининг мақоми ва нуфузини оширишда ўзининг хизматлари, иқтидо-рини аямаган фидойи олимлардан про-фессор Ғайбуллоҳ ас-Салом ўз асарла-рида она тилининг аҳамиятини шундай белгилайди: “...тил — руҳий ғизо, ин-соннинг инсонлиги, унинг моҳияти-кул”. “Тилнинг ғарбиллиги — тафаккурнинг қашшоқлигидан” дея бонг урган олим она тили, она юртва муҳаббатидан қу-йиниб ёзган: “Ўз тилида хиргойи қилиш нималигини билмайдиган, ўз тилида ўз дилбандига алла айтолмайдиган, ўз ти-лида дуойи хайр, дуойи бад айтолмай-диган, муножот, нидо қилолмайдиган ва ҳатто ўз тилида... туш кўролмайдиган бир талай одамлар пайдо бўлди!...”

Шаҳар кўчаларини кезиб, оддий ки-шилар учун тушунарси бўлган ёзув-ларга кўзингиз тушар экан, Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг фикрлари миянгизда чарх уради: “Тил — жамиятнинг асо-сий таяччи, инсоний мулоқот-муноса-батларнинг бирламчи воситаси, миллат руҳи ва давлатчилик тақдиридир”.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

